




ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 35 (9531). • 1989 йил 18 февраль • Баҳоси 5 тийин.



ДЕМОКРАТИЯ АСОСИДА ТАНЛАШДИ

ЧИРЧИҚ шаҳар маданият ва техника саройида 597-Чирчиқ территориал сайлов округи бўйича сайловолди йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишга Чирчиқ шаҳри, Бўстонлиқ, Коммунистик, Орқоникидзе ва Паркент районлари сайловчиларидан қонун бўйича тенг миқдорда вакиллар таклиф қилинди. Йиғилишда жами 535 нафар вакил иштирок этди.

Йиғилиш қатнашчилари депутатликка номзодлар — Чирчиқ трансформатор заводининг трансформатор йиғув цехи бригадаси бошлиғи Константин Дмитриевич Павлов, Газалкент шаҳридаги 22-ўрта мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Турсун Жумабоевна Қозоқова ҳамда ТашГРЭС ишчиси Ремир Изиятуллаевич Сибгатуллинларнинг сайловолди программаларини тинглаб муҳокама қилдилар. Номзодлар сайловчиларнинг кўлаб саволларига жавоб бердилар.

Йиғилиш бошида вакиллар уч номздоддан икки нафарини рўйхатга олиш учун тавсия этиш ва сайловни очиқ овоз бериш йўли билан ўтказишга қарор қилган эдилар. Номзодлар биринчи марта овозга қўйилган пайтда Т. Қозоқова 50 процентдан кўп овоз олиб, рўйхатга олинмиш ҳуқуқига эга бўлди. К. Павлов билан Р. Сибгатуллинлар учун иккинчи марта овоз беришга тўғри келди. Бунда Р. Сибгатуллин 283 овоз олиб, сайлов бюллетенига киритилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Шундай қилиб, 597-Чирчиқ территориал сайлов округи бўйича Т. Қозоқова билан Р. Сибгатуллин СССР халқ депутатлигига номзод сифатида рўйхатга олинди.

Тошкент— Ленинобод

ЁШЛАР УЧРАШДИЛАР

Областимиз ҳамда Тожикистон ССР Ленинобод области меҳнаткашлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш программаси доирасида 15 февралда Тошкентга Ленинобод область комсомол-ёшлари делегацияси келди. Унга Ленинобод область комсомол комитетининг биринчи секретари, Н. Э. Йўлдошев раҳбарлик қилмоқда. Делегация составида Ленинобод шаҳар партия комитетининг секретари М. Ҳамидов, Ленинобод область комсомол комитети секретари К. Исломов, Мастчоҳ район комсомол комитетининг биринчи секретари

Ф. Шарипова, В. И. Ленин номи совхоз-техникум механизатори Т. Одинаев ва бошқалар бор.

16 февралда делегацияси аъзоларини Тошкент область партия комитетининг секретари Э. И. Фозилов қабул қилди. Самимий вазиятда бўлиб ўтган суҳбат чоғида ҳар икки область ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда комсомол-ёшларнинг роли алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Иккала область комсомол комитетлари ходимлари қайта қуриш даврида ёшлар союзи олдида турган вазифалар ҳақида

ўзаро фикр алмашдилар.

Тошкент область комсомол комитетининг биринчи секретари Ф. Х. Усмоҳўжаев пойтахт области комсомол-ёшларининг экономикани ривожлантириш, социал масалаларни ҳал қилишга қўшаётган ҳиссаси ҳақида гапириб берди. Йигит-қизларнинг дам олишни ташкил қилиш, комсомол ташкилотларининг норасмий уюшмалар билан ишлаши масалаларига алоҳида тўхталиди.

Ўз навбатида Ленинобод область комсомол комитетининг биринчи секретари Н. Э. Йўлдошев тожик ёшларининг ишлари, муаммолари ҳақида гапириб

берди. У комсомол комитетлари ишини қайта қуриш соҳасида тўпланган тақрибалар билан ўртоқлашди.

Меҳмонларимиз пойтахт сановат корхоналари, олий ўқув юртлири, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Кечқурун Тошкентдаги «Ёшлар уйи»да Ўзбек ва тожик йигит-қизларининг дўстликка бағишланган кечаси бўлиб ўтди. Унда Ленинобод областининг «Махаста» ва «Дилафруз» миллий ансамбллари, областимиз бадий ҳаваскорлари иштирок этдилар.

А. НОСИРОВА.



▲ СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.

А. Зуфаров фотолари.

Кичик ёшдаги болалар учун

ЧИРЧИҚ пойабзал фабрикасида харидорларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиб, маҳсулот турларини тез-тез янгилаб туришнипти. Шу кунларда корхонада ёзлик оёқ кийимлар ишлаб чиқаришга ўтила бошланди. Жумладан, иккинчи цехда кичик ёшдаги болалар учун гусарча туфличалар тайёрланапти. У табиий теридан тайёрланаётгани учун эндигина юришни ўрганаётган болалар учун қулай ва енгилдир. Цех коллективи савдо тармоқларига биринчи кварталдаёқ қирқ етти минг жуфт шундай туфлича етказиб беришади.

М. ҚОСИМОВА.

ҲАМ КЎЧАТ, ҲАМ САБЗАВОТ

КАЛИНИН районидagi «Хасково» совхозининг Маҳкам Содиков бошчилик қилаётган теплица хўжалиғи деҳқонлари айни кунларда «ойнаванд дала»ларда ишни янада кучайтириб юбордилар. Ҳозир асосий диққат-эътибор эртаги сабзавот экиллариининг кўчатларини тайёрлашга қаратилмоқда. Сепилган 80 килограмм қарам уруғи сифатли парвариш қилинмоқда. Шунингдек, махсус тайёрланган майдонга 100 килограмм помидор уруғи ҳам севилиб, айни кунларда кўчатлар яйратилмоқда.

Тайёрланган кўчатлар ер етилиши билан далага олиб чиқилиб, полкэтипен пленкаси остига экилади.

Парник хўжалиғи коллективи сара кўчат тайёрлаш билан биргаликда қиш ва эрта кўплам даврда шаҳарликларга сархил сабзавотлар ва ошқуқлар етказиб бериш учун ҳам ҳаракат қилмоқдалар. Улар бу йил кўплав турли ошқуқлар, 8 тонна помидор ва 12 тонна бодрич маҳсулоти олишмоқчи.

И. ҚОСИМОВ.

• Долзарб мавзуда суҳбат

ИЛГАРИ хабар қилинганидек, 14 февраль куни КПСС Марказий Комитетиде мамлакат ишчилар синфининг вакиллари, халқ ҳўжалик комплекс турли тармоқларининг меҳнаткашлари билан учрашув бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ишчилар ҳўзурида нўтқ сўзлади. Учрашўда қайта қўришни долзарб муаммолари, белгилаган планларини тезроқ рўйбга чиқариш борасидаги резерв ва имкониятлар мўҳокама қилинди.

Тошкент тепловоз депозитининг машинисти, Социалистик Меҳнат Қўдрамони Х. Исамўхамедов, Чирчиқдаги «Электротримпром» бирлашмаси метан конверсияси цехининг аппаратчиси А. Қосимўжаев, Қорақалпоғистон АССР Ленинobod район машиши хизмат бошқармасининг биқички-тикувачи Б. Турдимуротовлар учрашўда Ўзбекистон ишчиларидан вақил бўлиб қатнашдилар. Биз Москвадан қайтиб келишлари биланок, улар билан учрашдик.

— М. С. Горбачев ана шу учрашўда сўзлаган нўтқда агар биз бошқача яшашни, янги марраларга чиқиб олишни истасак, ўз қарашларимиз, позицияларимизни, ишга муносабатимизни, ишлаш усулларимизни ўзгартиришимиз керак, деб таъкидлади.

кейинми келиш зарурлигини ўзи ҳал этсин. Бу ўринда социологик тадқиқотлар мана шундай иш режими ўзини тўла оқлашини кўрсатганлигини айтиб ўтиш керак.

— Ҳабибулло Олжамонович, сиз ўз нўтиңингизга кўпгина муаммоларни тилга олдингиз, жумладан, регионал ҳўжалик ҳисоби тўғрисида, иттифоқдош республикалар билан амалий алоқаларни мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида ўз нўтқан назарингизни айтдингиз. Сизнинг «ўз территориясига ўралашиб қолиш мумкин эмас», деган сўзларингизни қарсаклар билан кўтиб олишди. Сир бўлмасе, айтисангиз: сиз Москвага нўтқ тексини тайёрлаб борган

миланмаганмиз. Темирўй-чиларнинг ишига бир назар ташланг. Уларда бундан ўн йиллар илгари бўлганидек, кўл меҳнати устунлик қилмоқда.

Еки бўлмасе, Урта Осие темирўйлимида фойданинг тақсимланшини олиб кўрайлик. Бу Борада ҳам илгари-гидек қолдиқ принцили ва министрликдан тазийк ўтказиш кучлидир. Шунинг учун одамлар ҳали яхшироқ, ўнумлироқ ишлашдан унчалик манфаотдор эмаслар. Революцион жараёнлар оқсаб қолётганлигига мана шу нарса-лар сабаб бўлмоқда. Байкал-Амур магистрали тўғрисида ҳам ўз фикримни айтдим. Ҳозир мазбўтда магистралини қуришга сарфланган миллиард-лаб сўм маблағлар бекорга

ишга тушгандан кейин унга рухсат берган эдилар. Мен шу ҳўсууда ўз ҳамкашларимнинг фикрларини министрларга батафсил баён қилиб бердим. Улар шахринида энди саноат корхоналари қурмаслик керак, деган фикрга қўшилдилар. Маблағлар эсе мавжуд корхоналарни реконструкция-лашга сарфланади.

Капроластам заводи бизнинг даромадларимизга катта зарар етказмоқда. Биз эҳтиёт қисмлар йўқлигидан давлат бююртмасини мунтазам бажорамиз ва шунинг учун жаримларга тўлапмиз. Мен ва-пота ажратиб тўғрисида идораларнинг раҳбарларидан розилик олдим. Шу йилнинг ўзи-даёқ зарур асбоб-ускуналар ҳарид қилиш тўғрисидаги ма-сала ҳал этилади.

Чирчиқ корхоналарига таби-атни мўҳофазга қилиш учун етарли миқдорда маблағ аж-ратилмоқда. Қурилиш базаси заиф бўлганлигидан бу маб-лағлар ўзлаштирилмапти. Шаҳардаги ягона трест ҳам-ма ишни бирданига муваффа-қиятли бажариш имконияти-га эга эмас. Бу масалани ҳам ҳал этиш пайти келди, деб ўй-лайман. Табиийки, бунда уй-жойлар етишмаслиги ҳақида ҳам гап борди.

Б. ТУРДИМУРОВОТА: — Эртага меннинг ҳаётимда месулятига воқеа содир бў-лади. Мен СССР халқ депу-татлигига номзод қилиб рўй-хатга олинишим керак. КПСС Марказий Комитетидеги уч-рашув меннинг ўз сайловлид программага бошқача назар ташлашимга кўмаклашди. У-нда умумий масалалар, тар-моқда оид майда масалалар жуда кўп экан. Михаил Сер-геевич Советлар итлимос қи-луви бўлмаслиги керак, улар қатъий ҳуқуқий қондалар-га таянувчи реал ҳоқимиятга эга бўлиши учун имконият яратиб бериш керак, деб тў-ри айтди.

Энг муҳим масала шўки, ишни давлат механизмида ўзини бир «мурават» деб ҳисоблас-лиги керак. Бизнинг ҳар би-риници — қайта қуриш муваф-қиятига ўз ҳиссамизни қў-шишимиз мумкин ва лозим бўлган шахсимиз. КПСС Мар-казий Комитетидеги кенгаш оғизда эмас, балки амалда со-циализминг: ҳоқимият! —Со-ветларга, ер деҳқонларга, халқларга тинчлик, деган ле-нинча концепциясини қайта тиклаш имконини берди.

В. ЛЕВИН, УЗАТАГ мўхбир.

ИШЧИЛАР СИНИФИ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ АСОСИЙ КУЧИ

Сўз —КПСС Марказий Комитетидеги учрашув қатнашчилари бўлган ўзбекистонлик ишчиларга

ишлаб чиқариш министрлари билан учрашдик. Амалий, ош-корча фикрлашув бўлди. Оддий ишчи билан министр умумий тил топибгина қолмай, айни вақтда мураккаб муаммолар-ни биргаликда кўч-ғайрат сарфлаб, ҳал этиш йўллари-ни ҳам топиши мумкин.

Б. ТУРДИМУРОВОТА: — КПСС Марказий Комитетидеги учрашўда кўпгина масалалар мўҳокама қилинди. Уларни «биринчи дара-жалли» ва «иккинчи даражалли» бўлиш мумкин эмас. Қайта қуришнинг тақдир пировар-дида ана шу масалаларнинг тезроқ ҳал этилишига боғлиқ-дир. Аёлларнинг иш графи-ги тўғрисидаги масала ме-нинг назаримда, жуда ўз ва-қтида ўрғага қўйилган масала бўлди. Мана, меннинг етти-та фарзандим бор. Нимасини ай-тасиз, ишни, уй-рўзгор юмуш-лари ва жомат фаолиятини бирга қўшиб олиб бориш қи-ян. Бундай вазиятда нима қи-лиш керак? Оналарга кун ре-жимини эркин танлаш имко-нияти берилса, тўғри бўлур эди, деб ҳисоблайман. Улар қонуний 7—8 соат ишлаши керак, албатта. Аммо ҳар бир аёл, масалан, сменага эрталаб соат еттидими, ёки тушликдан

эдингизми, кейин уни «юқо-рида келишиб олдингизми!»

Х. ИСАМУҲАМЕДОВ: — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари анашу сўзларни қўллаб-қувватлаган-дан кейин сизда шундай таас-сирот ҳосил бўлдим! Мен ҳеч қандай нўтқ билан Мос-квга борганим йўқ. Балтике бўйида борган ишчилар сўз-лагандан кейин мен ҳам сўзга чиқишга қарор қилдим. Регионал ҳўжалик ҳисоби ҳа-ётий зарурат, албатта. Бироқ шундай никоб остида «атил-лий мустақиллики» деб амал-лаш ва пировардида тескари натижа берадиган ноҳуш шакллар пайдо бўлишига йўл қўйиб бўлмайди...

Ҳозирча Балтика бўйидаги ўртокларда мунозарали назе-рий йўл-йўриқлар устунлик қилмоқда. Аммо иш олға сил-жимаяпти-ку?

Мен олға томон силжиши-мига амалда ҳалақит бера-ётган муаммолар тўғрисида гапирдим. Узим электровоз машинистман. Пассажир сос-тавларини бошқарман. Ҳал этилганин масалаларимиз жуда кўп. Техникамиз 60-йил-лар даражасидаги эскирган техника, замонавий алоқа воситалари билан яхши таъ-

кетди, деб исботлашга урин-моқдалар. Бундай эмас. Бай-кал-Амур магистрали ишлаши керак ва ўз вазифасини тўла бажарилади. Фақат у ерда со-циал-меиший соҳани ривож-лантириш зарур.

Сўнги мулоҳаза. Пулнинг қадрсизланиши тобора сези-либ бормоқда. Шунинг учун мен пенсияларни қайта кўриб чиқиш зарурлигига эътибор-ни қаратдим. Одамлар нарх-наво қанчалик ўсиб боришига қараб, шунча миқдорда қў-шимча ҳақ олишлари керак.

А. ҚОСИМУҲАЕВ: — Мен ҳам сўзга чиқмоқчи бў-либ, сўз сўрадим. Бироқ дол-зарб масалалар тўғрисида ўз фикрини айтишни истовчилар жуда кўп эди... Министрлик-ларда ўтказилган суҳбатлар жуда самарали бўлди. Чир-чиқ мамлакатдаги ҳавоси энг булганган шаҳарлардан бири эканлиги сир эмас. Шаҳар корхоналари ҳар йили атмосфера-га ўн минглаб тонна зарар-ли моддаларни чиқаради. Мен ишлаб турган «Электротрим-пром» бирлашмаси ҳам анча-гина зиён келтирмоқда. Эҳти-мол, кўпчиликнинг эсида бўл-са керак, корхонамида цех-лардан бирини ёпиб қўйиб, фақат тозалаш ишоотлари

— Учрашув сизда қандай таассурот қолдирди, ундаги муҳит қандай бўлди, сиз ўз республикангизга қандай ўй-фикрлар билан қайтдингиз?

Х. ИСАМУҲАМЕДОВ:

— Менинг назаримда, мана шу учрашўнинг ўтказилиши муаммолар министрлик каби-нетларида яширинча мўҳокама қилинмай, балки ўз меҳнати билан ишлаб чиқаришда қат-нашаётган, ўз қўли билан мо-дий неъматлар яратаятган ки-шилар билан биргаликда мўҳо-кама қилиниши учун ленинча принципларга қайтлаётганли-гини билдиради. Ишчиларнинг катта кенгашини ўтказиш зару-рати — мен мазкур учрашў-ни шундай баҳолайман — а-рлақачон етилган эди. Револю-цион қайта қуриш бошлангани-га тўрт йил бўлди. Эришилган ютуқларни, йўл қўйилган кам-чиликларни, хатоларни бевоси-та меҳнат коллективларининг вакиллари билан биргаликда мўҳокама қилиш пайти келди. Учрашўдаги вазият тўғрисида гапирадиган бўлсак, у го-яат рўй-ростлик ва ишчан-лик руҳида ўтди. М. С. Горбачев ўз нўтқда таъкидла-гандек, «...сизлар бу ерда халқ ибораси билан айтганда, қа-ламбир — туз селганининг ҳам яхши бўлди. Демак, бизга ишо-наслик».

А. ҚОСИМУҲАЕВ:

— Кўп нарсалар эсда қол-ди, аммо энг муҳими, мен Ўз-бекистонга қайта қуриш га-лаба қилишига мустақкам ишонча, ҳар бир ишни олдаида турган вазифаларни янгича тушуниш билан қайтдим. Мен ўз ўртокларимнинг топири-нига биноан СССР Химия сано-ати ва минерал ўғитлар

Эгамбердиевнинг уйига бо-ради. У ерда ётиб қолмоқчи бўлганида Сатторнинг ота-онаси келиб қолчак, у ер-дан ҳам чиқиб кетади. Кол-хоз фермасидан тахминан бир километрча нарида соат 23 ларга бориб ҳалок бўл-ганлиги маълум бўлади.

Суд-медицина эксперти-заси ҳулосасида машина уриб кетиши натижасида қаттиқ жараҳатланиб, бош миеси суяги синганлиги, бўйин томри узилиб ке-тиб, қонида этил спирти борлиги кўрсатилган.

Иш бўйича сўроқ қилин-ган қатор шахслар Ихтиёр билан ҳеч ким уришма-ганлиги, ўрталарида унга нисбатан адоват йўқлигини айтишди. Ихтиёрни уриб кетишда гумон қилинган 90—58 — ТПН машинаси текшириб қўрилганда уш-бу йўл-транспорт ҳодиса-сига алоқадор далиллар то-пилмади.

Жинийи иш бўйича тер-гов ҳаракатлари тўлиқ объектив равишда олиб борилган. Лекин ҳақиқий жиноятчиларни топиш им-конияти бўлмагани учун ўтган йилнинг 20 ноябр ку-ни Ўзбекистон ССР жино-

ТЕКШИРИШЛАР, НАТИЖАЛАР, ЧОРАЛАР

ит кодексининг 168-мод-дасининг 3-қисмига асосан иш юзасидан тергов тўхта-тилган.

Қайта текширишлардан кейин иш бўйича тегишли ташкилотларга топириқ-лар берилди. Шу кунлар-да бу жинийи иш бўйича Бўка район прокуратураси шуғулланыпти. Бирон нар-са аниқланса, редакцияга ва хат авторларига қўшимча хабар қиламиз, — деилади Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг Тош-кент области бўйича тергов бўлимасининг бошлиғи Т. Айдаровнинг юборган жа-воб хатида.

Хўрматли редакция! Биз ҳўжаликнинг «Олтиш» участ-кесида яшайми. Бир не-ча йилки, колхоз раҳбарла-ри участкамида ободончи-лик ишларига эътибор бе-ришмайди.

Қ. РАҲИМОВ,

Бўка районидеги Ҳамза номили колхоз. Район Совети иқроия комитети юқоридеги хат юзасидан текшириш ўтказ-ганида хатда кўрсатилган

фактлар тасдиқланди. Рай-он Совети иқроия комитети колхоз правленийсига қўча-лар қурилишининг лойиха-смета ҳўужжатларини тай-ёрлаш ва 1989 йил планига киритиш ҳақида қўрсатма берди. Қўчаларни ёритиш ишларини амалга ошириш вазифаси эсе Чингатай киш-лоқ Совети зиммасига юк-латилди. * * *

Автомашинамга ўрнатган «Скалд-унитра» магнитофо-нини милиция дейтенан-ти А. У. Дулдулов тортиб олди, бу меники дейпти. Мен уни Моршанск саано-торийсига борганимда сотиб олганман. Гувоҳларим ҳам бор.

И. АКБАРОВ,

Акмал Иқромов райони. Юқоридеги мазмундаги хат текшириш ва чора қўриш учун Тошкент шаҳар Совети иқроия комитети-нинг ички ишлар бошқар-масига юборилган эди. Бошқарма бошлиғи В. Ф. Клаузушевскийдан олинган жавобда қўйидагилар айти-лади: «1988 йилнинг март

ойида Дулдулов «ВАЗ-2106» маркали Жигули ав-томашинасида ўзининг йў-қотган магнитофонини кў-риб қолади. Шундан ке-йин у машина эгасини то-пиб участка милиция пунк-тига қақиради ва гувоҳлар Г. Толипов, А. Султоновлар ишторида магнитофонини И. Акбаров машинасида ечиб олади ва акт тузади. У магнитофон билан тўзилган актни Куйбишев район жиноат-қидирув бў-лимига топириб мазкур масалани ҳал қилишда ёр-дам беришни итлимос қи-лади.

Ўз навбатида И. Акбаров Куйбишев район ички иш-лар бўлимига магнитофон-ни 1984 йили Львов обла-стининг Моршанск шаҳри-даги санаторийга борганда 300 сўмга сотиб олганлиги-ни ва қатор гувоҳлари борлигини баён қилади.

Ушбу факт юзасидан йн-гилган материаллар Куй-бишев район прокуратура-сига юборилди. Район про-курорининг ўринбосари А. А. Расулов материаллар билан танишиб, ишлар Ўз-бекистон ССР Ички ишлар министрлигининг Куйбишев райони бўйича тергов груп-пасига топириди. Тергов ишлари тугаллангач, унинг якунига қараб магнитофон ҳақиқий эгасига топири-лади.

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

материаллари изидан

Ихтиёр Турсунқулов кол-хознинг сўт-товар ферма-сида ишлар эди. 1988 йил 17 сентябрга ўтар кечаси номатълум транспорт воси-таси билан уни уриб ке-тиб, ҳалок этишди. Нега-дир жиноятчиларни ҳиди-риб топиш қўзғилиб кетаяп-ти.

Х. ЮСУПОВ,

К. ТУРСУНҚУЛОВ, Бўка районидеги «Ленин-обод» колхозчи.

Юқоридеги хатда кўрсатилган йўл-транспорт ҳо-дисаси юзасидан Ички иш-лар министрлигининг Бў-ка райони бўйича тергов бўлимаси томонидан Ўзе-бекистон ССР Жиноат кодек-сининг 208-моддасининг 1-қисми бўйича жинийи иш қўзғатилган эди. Бу ишни қўзғашга хатда кўрсатилган йўл-транспорт ҳо-дисаси сабаб бўлган.

Олиб борилган терговда аниқланишича, И. Турсун-қулов 16 сентябрь кунга тах-минан соат 19 ларда иш жойи — колхоз фермасида З. Эргашев, У. Бўтаев, Ҳ. Қўрбон, С. Эгамбердиев ва Э. Маматқуловлар билан бирга спиртли ичимлик исте-мель қилиб, сўн Саттор

КУЧИМИЗНИ БИРЛАШТИРСАК ЮТАМИЗ

Жиноятлар ҳақида кўп гапирамиз, лекин иллатнинг бош сабабларини ўйлаб кўрмаймиз. Энг ёмони — қинғир йўлга кирган ёшларни тарбиялаш милиционерлари, ўқитувчиларнинг иши деган нотўғри тушунчага борамиз. Жамоатчилик четда турганлиги учун ҳам районимизда жиноятлар йил сайин кўпайиб бормоқда. Утган йилнинг ўзида 201 та жиноят рўйхатга олинди.

Утган йили Свердлов номили колхозда хунук воқеа рўй берди. Г. Огай ва Д. Хе кайф устида жанжаллашиб қоладилар. Нияти бузилган Д. Хе маълум вақтдан сўнг «дўстини овга таклиф этди. Шу ерда Г. Огайни отиб ўлдирди.

Яна бир хунук воқеанинг сабабчиси ҳам гиёҳвандлик бўлди. «Политотдел» колхозида яшаб, ҳеч қачонда ишламайдиган Илья Цой наша чекиб, кайфи ошгач, қўлга ошқона пичоғини олиб ташқарига чиқди. Йўлда икки ўсмирдан сигарета сўрайди. Лекин улар чекмасликларини айтишса, Цой кутил-

маганда пичоқни болалардан бирининг қорнига санчади. Иккинчи бола эса жон ҳолатда қочиб, милицияга хабар қилади. Қўлида пичоқ ўйнатиб турган ширакайф жиноятчини жиноят-қидирув бўлими бошлиғи, милиция майори Искандар Икромов ва милиция капитани Рустам Шерматовлар қўлга туширдилар.

Районимизда истиқомат қилаётган оилаларнинг аксарияти деҳқончилик билан шуғулланади. Улар далага чиқиб кетгач, фарзандлари қаровсиз қоладилар, безорилар таъсирга берилдилар. Биз, ота-оналарни тўллаб сўхбатлашдик, бола тарбиясини унутиш мумкин эмаслигини таъкидладик.

Утган йили «Тошкент денгизи»да ташкил этилган ҳарбий-ватанпарварлик лагерида икки милиционеримиз ёшлар тарбияси билан шуғулланишди.

Ёшларни гиёҳвандликдан сақлаш, фойдали ишларга йўналтириш бутун жамоатчилик ишидир.

Ф. РАҲИМОВ,
Коммунистик район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги.



• Газетхон мулоҳазалари • «АРЛЕКИНО» НИМАГА ЎРГАТАДИ?

«Менинг исми Арлекино» бадий фильмини томоша қилар эканман, мураккаб ҳис-туйғуларни бошдан кечирдим. Бир қарашда унда тенгдошларимизнинг бугунги ҳаёти, ташвиш ва муаммолари тўғри акс эттирилгандек туюлади. Эҳтимол, катта шаҳарларда ўсмирлар бўш вақтини қандай ўтказишни билмай, ана шундай безорилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик билан шуғулланишар.

Бироқ кейинги пайтда ёш-

лар тўғрисидаги бадий асарларда ҳам, спектакль ва кинофильмларда ҳам бу иллатларни тасвирлаш ўзига хос «мода»га айланб қолди. Афтидан ижодкорлар буни ҳаёт ҳақиқати, деб ўйлашар. У ҳолда биз қаби қишлоқ ёшларининг ҳаёти ёзувчи ва режиссёрларимизнинг ижодида қандай ифоделанади?

Ёш болалиқдан ота-оналарига кўмаклашиш, мол боқиш, юқори синфлардан бошлаб колхоз-совхозларда катталар қатори ишловини тасвирлаш қизиқарли эмасми?

Менинг фикримча, ижодкорларимиз адабиёт ва санъатнинг, шу жумладан, киновининг тарбиявий роли ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўрмайдилар. Фақат салбий ҳодисаларни кўрсатавериш билан янги жамият кишинин тарбиялаб бўладими? Наҳотки, бизнинг давримизда Павел Корчагин, Олег Кошевой, Абдулла Набиев, Майна Ҳасанова қаби қаҳрамонларга ўрин бўлмасми?

Бу ҳақда тенгдошларимиз фикрини билишни хошлардим.

Т. ДАВЛАТОВ,
Бўша райондаги «Коммунизм» колхозчи.

• Жангчи - интернационалчилар даврасида •

ФРУНЗЕ райондаги саноат корхоналарида меҳнат қилаётган, олий ўқув юрларида билим олаётган ёшларнинг салкам 200 нафари ҳарбий хизматини Афғонистон тупроғида ўтаб қайтган. Улар илғор ишчи, аълочи студент бўлиш билан бирга актив жамоатчи сифатида кенг оммаини меҳрини қозонишяпти. Меҳнат қоллективларида бўлганимизда улар ҳаётини ажаойиб лавҳалар сўзлаб беришди.

Баҳодир **РАҲМОНОВ**, «Отделстрой» трести комсомол комитетининг секретари: — Бинокорлар сафида 28 нафар жангчи-интернационалчи меҳнат қилаяпти. Улар юриш-туришда, ишга муносабатда бошқалардан кескин фарқ қилишади. Уларга мурақаб участкаларни танлаб олиб, топшириқларни аъло даражада адо этишяпти.

Кўпгина фойдали таклифлар собиқ жангчилардан чиқаяпти. Утган йили биринчи май байрами арафасида Афғонистондан майиб бўлиб қайтган солдатлар довланаётган госпиталга совга-саломлар олиб бордик. Шу кун бошқа коллективнинг вакиллари ҳам госпиталга ташриф буюришган экан. Олиб келинган совгалар, озиқ-овқат маҳсулотлари уюлиб кетди.

Биз билан бирга борган жангчи-интернационалчи Али Тошев палаталарни бир-бир айланб чиқди. Шунда у хоналарнинг эшик ва деразаларига, поли ва шифтга назар ташлаган экан. Уларнинг ремонтлаб бўлиб тургани шундоққина кўзга ташланиб

турарди. Ташқарига чиққач, набатдаги байрамгача трест ёшлари кучи билан жангчилар довланаётган палата-

гонистонда хизмат қилиб келган ёшлардан саккиз нафари оила кургач, янги квартираларга кўчиб ўтди. Кўпгина ёшлар ишлаб чиқаришдан ажрамаган ҳолда профилактика тартибимизда ўз саломатликларини мустақкамляптилар.

Ҳусан САИДОВ, **Островский** номи театр ва рассомлик санъати институти комсомол комитетининг секретари: — Студентлар ошқонасига

турдош институтларнинг студентлари ҳам мусобақаларда иштирок этиш истагини билдиришяпти. Айни пайтда Сирожиддин ўқиган рассомлик факультети олдида унинг бостини ўрнатилган ҳам тайёргарлик кўраямиз. Эълон қилинган конкурсда Сирожиддин билан бирга ўқиган студентлар, жангчи-интернационалчилар иштирок этишяпти. Бугунги кунда институти-

Асқар ОТАЕВ, Тошкент тўқимачилик комбинати комсомол комитети секретари:

— Ҳисоблаб қарасак, корхонамизда меҳнат қилаётган жангчи-интернационалчилар сонини 56 нафарга етибди. Яқинда уларнинг кенгашини тузди. Пардозлаш фабрикаси контроллери Нурмат Тошев кенгаш раиси этиб сайланди. Ҳозирги кунда кенгаш аъзолари ўз иш пилларини ишлаб чиқмоқдалар. План бўйича яқин кунларда жангчи-интернационалчиларнинг конференцияси ўтказилади. Совет Армияси кунин олдан ҳам ҳалок бўлган жангчилар оиласига ёрдам фонди ажратилапти. Корхона музейида эса шон-шухрат бурчаги очилмоқда.

Жангчи-интернационалчилар комбинат билим юртида ўқитган ўсмирларни армия сафига тайёрлашда, цех комсомол ташкилотлари ишини жонлантиришда актив қатнашмоқдалар. Мақдам Мератов, Эркин Тўраев, Илб Раazzoқов қаби жангчи-интернационалчилар цех комсомол ташкилотларига секретарлик қилишяпти. Улар активлар билан билим юрларида, ётоқхоналарда бўлиб, ўз сафдошлари ҳаётини ёшларга ҳикоя қилиб бермоқдалар. Ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар жонланевётганини учун ҳам ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришмоқда.

Ж. НОСИРОВ.

ОМОН ҚАЙТГАН ЙИГИТЛАР

ларни жорий ремонтдан чиқариб беришни таклиф этди. Алининг таклифи ҳаммамизга маъқул тушди. Уша ҳафта унинг ўзидаёқ кўнгиллилардан бўёқча ва дурадгорлар бригадаси тузди. Улар қисқа вақт ичида госпитал палаталарини ремонт қилиб бердилар. Ҳозирги кунда трестнинг ўзида жангчи-интернационалчилар учун махсус клуб ташкил қилаямиз. Давра сўхбатлари, учрашувлар бундан буён шу ерда ўтказилади. Ёшларимизнинг ишдан бўш соатларини кўнглили ўтказиш, уларнинг саломатлигини тиклаш бўйича яна кўпгина тадбирлар кўриляпти. Аф-

кираверишдаги деворга ишланган панно Афғонистонда ўз интернационал бурчини адо этиш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган тенгдошимиз Сирожиддин Тўраўжаев хотирасига бағишланган. Курсдошлар ишланган бу паннода отпускага қайтган Сирожиддиннинг ота-онаси, ёру-биродарлари даврасида мамун турган пайти тасвирланган.

Сирожиддин аълочи студент, чаққон спортчи эди. Унинг хотирасига биз ҳар йили спорт мусобақалари ташкил этмоқдамиз. Бу йилдан бошлаб Олмаота, Ашқобод, Душанба қаби шаҳарлардаги

мизда билим олаётган ёшларнинг 13 нафари Афғонистонда хизмат қилган. Уларга 2-курс студенти Баҳодир Эргашев бошчилик қилмоқда. Кенгаш аъзолари ташаббуси билан студентларимиз госпиталларда концертлар кўйиб беришяпти, ёшлар билан қизиқарли учрашувлар ташкил этишяпти. Институт барзасида район жангчи-интернационалчиларнинг шон-шухрат музейини ташкил этишга тайёргарлик кўраямиз. Ҳозир уларнинг жанговар йўлидан ҳикоя қилувчи мактублар, фотосуратлар тўпланяпти.

САФЛАРИ КЕНГАЙДИ

Комбинатимизда меҳнат қилаётган ишчиларнинг аксарияти ёшлардир. Комсомол ташкилотини ҳисобда 278 нафар йигит-қиз бор. Кейинги пайтда улар сафи яна 25 кишига кенгайди. Ёшларнинг комсомол сафига қабул қилишда ишлаб чиқариш новаторлари, район комсомол комитети вакиллари иштирок этидилар.

Комсомол ташкилоти ёшларнинг меҳнат ва сиёсий

активлигини оширишга қаратилган тадбирлар кўламини тобора кенгайтирмоқда. Кейинги пайтларда 4 та муҳим тадбир ўтказилди. Айниқса, Афғонистонда интернационал бурчини ўтаб қайтган жангчилар билан бўлган учрашу ёшларда катта таъсурот қолдирди. Улар комбинат коллективи аъзоларига ўзлари ва сафдошлари босиб ўтган жанговар йўл ҳақида қизиқарли ҳикоя қилиб бердилар,

ёшларнинг кўпгина еволла-

рига жавоб қайтардилар. Комсомол йигидилари муҳокамасига қўйилаётган масалалар ҳам кўпчилиқда катта қизиқиб уйғотаяпти. Ёшлар мусобақасини кучайтириш юзасидан қабул қилинган қарор эндиликда яхши самара бераёпти. Кейинги ойда пелси-кола цехи ёшлари муқофотли ўринни эгалладилар.

Х. ОМОНОВ,
«Қйбрай» яхна ичмалликлар комбинатидagi муҳбирлар пости аъзоси.

ХАЙРЛИ ИШ

Чиноздаги Ҳамза номи пионерлар уйи педагогик коллективи Афғонистонда ўз интернационал бурчини адо этиш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган юртдошлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида шон-шухрат хонаси ташкил этишга қарор қилди.

Коллектив аъзолари район газетаси орқали комсомол ташкилотларига, фарзандлари Афғонистонда ҳалок бўлган ота-оналарга очик хат билан мурожаат этдилар. Хатда қаҳрамон жангчиларимиз ҳаётини абадий қилувчи мактублар,

фотосуратлар ва бошқа хил экспонатларни район пионерлар уйига тақдим этиш сўралган эди.

Очиқ хат барча жойларда қизғин кутиб олинди. Пионерлар уйи педагогик коллективи бошлаган хайрлик ишга барча мактабларнинг коллективлари ҳам қўшилмоқдалар. Комсомол ва пионер аъзолари ҳалок бўлган жангчилар ўқиган мактабларда, истиқомат қилган маҳалларда бўлиб, янги-янги маълумотлар топиқмоқдалар. Келажақда шон-шухрат хонаси ёшларнинг энг сеvimли зияратгоҳи бўлиб қолади.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Газетамизнинг 11 февраль сонидан эълол қилинган «Бир наеса муҳожамасига донор» мақоласи кўп сонли ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Редакциямизга шу кунларда Абдулла Қодирийнинг машҳур асарини «Ўтган кунлар»га меҳр-муҳаббат ва эътиҳор кўйган кишилардан; санъатшунос ва адабиётшунос олимлардан ма-

тублар келмоқда. Мақтур эгалари бу асар асосида яратилган спектакль ҳақида кўнотчаллик билан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишяпти.

Кўйида биз адибнинг набиралари — Хондамир билан Шеркон Қодирийнинг ана шу спектаклнинг авторидан илҳом олаётган бўлиб ёзган хатларини эълол қиляёмиз.

БУ — ИНСОФДАНМАС!

ҲАМЗА номли Ўзбек Давлат академик драма театри коллективи Иззат Султоннинг «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари» асарини саҳналаштириб, хайрли ишга қўл урибди. Бироқ мазкур спектакль намойиши биз — Қодирий фарзандларини қаттиқ изтиробга солиди, айна пайтда асабларимизни қачшатиб юборди. Шунинг учун ҳам ҳурматли адабиётшунос олимимиз И. Султонга куйдагича савол билан мурожаат қилишдан ўзимизни тия олмадик:

— Инсоф билан айтинг-чи, «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари» деб номланган драматик ривоятнинг қайси жойи Қодирийники-ю, қанчаси сизники?

— Спектакль Қодирийнинг қамқондан озод қилиниши, уни эркинликка чиқаришига шаксан Я. Охунбоевнинг келиши билан бошланади. Мана шу саҳнанинг ўзидеяқ тарихий фактлар бўзилган ва чалкаштириб юборилган. Қодирийнинг унга «Ота» деб мурожаат қилиши ва Охунбоевнинг «мени ота демасангиз ҳам бўлаверадим, чунки биз тенгдошимиз-ку», дейиши жуда галати! Ахир ўзвучи отадан 9 ёш кичик бўлган.

Томошабин спектакль давомида қатор тарихий шахслар: Ойбек, Азиз Едгоров, Содиқ Жабборов, Очил Сафаров ҳамда А. Қодирий қаҳрамонлари Обид Кетмон, Солиҳ Махсум (аслида Маҳдум бўлган) билан учрашади. Шундан сўнг «Ўтган кунлар» романида тасвирланган воқеалар бошланадими,

лўнда қилиб айтганда, бу маънавий ўғрилликдан бошқа нарсасиз. Минг афсуски, ана шу саҳналарда ҳам кинотбағди воқеалар бузиб кўрсатилади.

Умуман олганда, спектаклда манتيкий бузилиш ва одобсизликлар истаганча топилди. Фактларга мурожаат этайлик: Аслида, А. Қодирий «Ўтган кунлар»ни ёзиб тугатгандан сўнг — 1926 йилда қамалган. Саҳнада эса романини қамқонда ўтириб хаёлан ёзган ва озод қилиниши билан бир кечада яратган деб тасвирланади. Шунингдек, Отабек Ҳасаналини кучоқлаб, ўз севинчини билдириши, «қизлар мажлиси» саҳнасида қизларнинг Кумушнинг овутиши учун бир-бирларига: «Сен Кумуш бўласан, сен Отабек бўласан», дейишлари (кўё Отабек эканлигини улар қордан билишадими), Отабекнинг Кумушни кўтариб гўшага олиб кириб кетиши, Мутал полковнинг қўлини хунук холда кўрсатиши, «қудаларни куттиш» саҳнасида Ўзбекистоннинг Юсуфбек ҳожига: «Иккимизнинг хонамизни меҳмонларга бўшатиб қўйдим», дейиши Қодирийга нисбатан ҳурматсизликдан бошқа нарсасиз.

Саҳнада А. Қодирий тилидан айтилган «бомба», «асасиқ тер ҳиди» каби бемаъни ибораларни ёзувчи ҳеч қачон ишлатмаган-ку, ахир!

Дадамиз Х. Қодирийнинг Асомиддин исми тоғалари бўларди. Бир кун у киши бизга куйдаги воқеани сўзлаб бергандилар: — Поччамиз (А. Қодирий)

мендан, мулла Асомиддин, «Ўтган кунларини ўқидингизми, деб сўраб қолдилар.

— Ҳа, ўқидим, дедим гурурлашиб.

— Неча марта ўқидингиз?

— Бир марта.

— Ҳмм... Бу китобни бир марта эмас, беш марта ўқиб керак. Шунда сиз муомалани, одобни, тарихни, ҳаётни, тилни ўрганасиз, дегандилар кулиб...

А. Қодирийнинг мазкур фикрлари спектакль ижодкорларигагина эмас, балки бошқа китобхонларга ҳам тааллуқлидир. Негаки, китобни юзаси ўқиб юқоридаги каби одобсизликларни келтириб чиқаради. Аммо энг катта одобсизлик, қаллоблик — спектакль яратилишидаги сюжет ўғриланишидир. Чунки спектаклнинг 85 минути Қодирий романи воқеалари, 40 минути эса И. Султон уйдирмасидан иборат.

Муддаомиз шуки, И. Султон «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунларини» ёзишда «Ўтган кунлардан айнан кўчириб олмасдан, Қодирийнинг ҳаёти ҳақида, унинг ўлими сабабларини очиб,

хусусан, дадамиз билан бамаслаҳат, лозим бўлса, унинг «Отам ҳақида» китобидан фойдаланиб асар яратганда савобли иш бўларди. Бунинг ўрнига у романдан олинган парчаларга ҳеч бир иккиланмасдан ўз номини тиркаб муаллиф бўлиб олди.

Агарда биз бу масалани очиб қолдирсақ, эртага бошқа бир драматург «Меҳробдан ҳаётни», кейин «Обид кетмонига бир неча сўз қўшиб, ўз авторлигини даъво қилиши шубҳадан холи эмас. Бизнинг бу таъналаримиз режиссёр Л. Файзиевга ҳам тааллуқлидир.

«Одобсизликнинг катта-кичиги йўқ», деганларидек, театр мутасаддилари ҳам кўнгилга тегадиган иш қилишди. Яъни премьерерага ҳатто Қодирий олдасини тақлиф этишмади. 29 декабрь кунин фақат И. Султон бетоб ётган дадамизни телефон орқали премьерерага тақлиф этди. Шундан сўнг биз томошага бордик, орқа эшикдан кириб, ўзимизни танитдик. Режиссёр Латиф Файзиев ўша ерда экан: — Бизга тақлиф қозони керак эди (премьерерага шу қозон билан киритилди деб ўйлагандим), — деб сўрадик. Латиф Файзиев эса: — Узи, асар кеча театрининг бадийи кенгаши муҳожамасидан ўтди. (Ҳатто унга ҳам Қодирий авлодлари тақлиф этил-

магани қизик!) Шунинг учун тақлифнома бера олмадик. Эшикка бориб ўзингизни танитсангиз, мен айтиб қўлман, киритиб юборишди, деди. Ана ҳурмат, ана одоби!

Дадамиз — Ҳабибулла Қодирий умрларининг охирида бизга доим бир гапни ўқитирардилар: «Мендан кейин бобонинг асарларини бурдалаш бошланади, сенлар шунга қарши туриб берсанлар қўлди. Мен кўлимдан келганини қилдим». Дадамизнинг ҳавотирда жон бор экан: Қодирийни «бурдалаш»ни И. Султон бошлаб берди. Агар ҳозир дадам ҳаёт бўлганларида бизнинг бу гапларимизга ҳоҳат ҳам йўқ эди.

Қисқаси, спектаклни кўргандан сўнг амаким — Масъуд Абдуллаев билан маслаҳатлашиб, қатъий бир қарорга келдик. Асар «Ўтган кунлар» инсценировкаси бўлиши учун ҳали кўп меҳнат талаб этади. Бу ишни И. Султон ва Л. Файзиев бажаришига биз мутлақо қаршимиз. Яна эшитганимизча, айрим кино арбоблари «Ўтган кунлар» кинофильмининг қайта ишлашмоқчилиши. Базми театрларнинг коллективлари эса роман асосида инсценировка яратиш ниятларида эмишлар. Ҳақмисига розимиз, фақат улар иш бошлагандан аввал қонун юзасидан бизнинг ҳам фикр-мулоҳазаларимизни ҳисобга олишса, бамаслаҳат қилинса яхши бўларди.

Биз бошимизнинг маънавий мероси учун қуноқамиз.

Абдулла Қодирий авлодлари номидан: журналист Хондамир ва педагог Шеркон ҚОДИРИЙлар.

РЕДАКЦИЯДАН: Биз Қодирийлар оиласи номидан келган ушбу хатни эълол қилиш билан асарга унл-кесил баҳо беришмоқчи эмасмиз. Хат асосан авторнинг хуқуқи масаласи билан боғлиқ бўлган жиддий бир эътироздир. Асарнинг говийи-бадийи савияси, образлар талқини, айтиларнинг ажроқчилиги маҳорати, режиссёр хизмати, хузулас бу асар ҳақида муаммал тақрир эъзини мутахассислар, театршу-

нослар ва адабиётшунос олимларга ҳавола этамиз. Биз спектаклнинг яратилиш жараидан ахши хабардор бўлган санъаткорлар, ёзувчилар, наеса муаллифини И. Султон ва режиссёр Л. Файзиевларнинг бу катта бўлган муносабатлари, энг одил ҳақам — томошабинлар, кенг жамоатчилигининг мазкур спектакль ҳақидаги холис фикр-мулоҳазаларини ҳам эълол қилишга тайёрмиз.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР



Муҳаммад Юсуф Андижоннинг Марҳамат районида туғилган. Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтини битирган. «Қишлоқ соғинчи», «Таниш тераклар», «Булбулга бир гапим бор» каби шеърий тўпламлар муаллифи. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси. Ҳозир Ф. Гулом номли Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир.

ЎЗБЕК

Сен пахта тераднинг етти букилиб, Пахтазорда эдинг, эй онажоним. Ўзбекимансан? — дея галати кулиб Мендан сўраб қолди бир танноз хоним. Таннозлар билан не ишим бор! Е раб! Аммо тушувдим-ку ишорасига. Қаршимда турарди у эриакталаб, Малика боққандек фўққорасига. Мана газетасини олди кўйидадан, Хоним ўзларича бошлади талқин. Тиллолар топилган эмиш уйингдан, Олтинга кўйиллиб қолисан, халқим... Нега Қримларга бормайсан ёзда? Демак, сен отагининг ўтай ўғлисан. Сўкса нидамайсан ўзинг ҳам ростда, Урса йиғламайсан, демак, ўғрисан. Саҳардан шомгача кетмонда кўзинг, Кўрмай қолгунча чосанг далагини, Уғирлик қилмасанг айт ахир ўзинг Қандай боқайсан шунча болангин?... Хоним нигоҳи-да айтганлари бу, Кўнглидан кечганини сезиб турардинг. Ясама юзиде ясама қайгу,

Ўзбекимансан, дея кулиб турарди. ...Бир бошлай дедимиз тилминин тийдим, Одам куриб энди шунга сўз дейми? Ўзбекни ер танир, Осмон танийди, Таннозлар қаердан билсин ўзбекни!

БРИГАДИР

Туни билан сувчиларга қарашди у, Энгашиб ҳар гўза билан сўрашди у, Юлдузлар ҳам ёниб бўлган тонгда эса Елкасидан ерга михлаб қўйди уйқу... О, толиққан жонга дармон қир этаги! Кесақ— болши, кўрпа бўлди кир этаги. Ариқ унга алла айтиб чулдиради Ва бир зумда ухлаб қолди... ҳа, ўзбагим. Ўзбегимнинг уйқуси ҳам ўзидек жўй, Ботмайди ҳеч— тупроқ унга пахталик тўн. Дўшисини кўкрагига босиб олган: Ҳумо қуши, тонгда келиб бошимга қўй! Келди тонгда, Ҳумо қуши — катта одам Қарасак, қотиб ухлаб ётар акам. Мажлис, мажлис, мажлислар ҳеч бўлмас тамом, Нотиқларга тўлиб кетган заллар— ҳаммом! Қуша-қундуз ухлаб ётар, бу қандай гап?... Бирини қўйиб, бирини олиб чалишар жом. Сўнг мажлисини шийпонга ҳам кўчиришди Бригадирни партиядан ўчиришди. Ўттиз йиллик ганимлар шод қийқиринди, Ўттиз йиллик дўстлар ёснаб ўлтиришди... У кечаси сувчиларга қарашгани, Лойлар кечиб, гўзага нур тарашигани...

ЖАЙРОН

Қон йиғлатди қайси бағришо, Жайрон, нега кўзинг тўла ёш? Оёгинга қўйиб ётай бош,

Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?... Юрак қонинг тўкилган сўқмоқ— Бағри алвои лолақизгалдоқ, Сенга тошлар отди қай гухроқ, Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?... Зор йиғладиган бунча ҳам, ҳайҳот, Менда ҳам бор сендаги сайёд... Эй беозор, эй мўмин жойвот — Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?... Бу дунёнинг нокаслари бор, Эзгулини кўролмайдилар, Мени ҳам қон қилдилар улар, Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?... Лабим билан яранг сийлай ман, Сенга дарди шифо тилай ман, Кел, туришган оғанг бўлай ман, Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?..

ҚИЗИЛ ГУЛХАН

Қалбинг қизил гулхани сўнди, Қултепада қолмади бир чўғ. Бу қиз билан ишим йўқ энди, Бу қизнинг мен билан ишим йўқ... Энди менга икки дунё бир, Сигман на ер, на осмонига. Товга чиқиб кетарман энди, Мен ҳам қизгалдоқлар ёнига. Ҳей, юлдузлар юртида чаман, Булутман деб юрган тугуйлар, Кўксим ёниб кетмоқда ёмон, Мендан нарироқдан ўтинлар! Қалба севи гулшани сўлди, Қолди фақат ловуллаган чўғ. Бу қиз билан ишим йўқ энди, Бу қизнинг мен билан ишим йўқ... Кел юрагим, бағримни ўйиб, Севгини сувларга отамиз, Майсаларга бошимиз қўйиб, Қапалак ёпиниб ётамиз.

Муҳаммад ЮСУФ.

Яқинда А. Кербалаевнинг «Правда Востока» газетасида босилган «Нельза чернить» деган мақоласини ўқиб, кўзларимда ёш қалқиди. Кейин ўз фикримни она тилимда билдиришга қарор қилдим.

Кейинги вақтларда марҳумларни, айниқса, Сталинни шу даражада қоралашнинг, менимча бирон-бир бошқа давлатда арбоб бунчалик қораланмаган бўлса керак. Бу соҳада биз байроқдор бўлаемиз. Эв қочса ботир кўпаяр, деганларидек, биз нима учундир катта-кичик раҳбарлар шайнига тирикчилигида давомли қарсақлар чаламиш-да, ҳаётдан кўз юмишган, гўрида тинч қўймаймиз. Хайриятки, ҳозирча Ленинга тил тегишмайди.

Мен сёбатчи эмасман, воқеаларга оддий меҳнаткаш назари билан қарайман. Сталинни, асосан кўпларни ноҳақ жазоланганлигида айблашайти. Бўлса Бордир. Ўша қаламқашлар Сталин қайси даврда яшаганини, юпун мамлакатни қисқа вақт ичида қандай қилиб оёққа турғизганини ҳам

бир ўйлаб кўрсалар бўларди. Бу ҳақда А. Кербалаев жуда кўнгилдаги ва ҳақ гапларни айтган. Совет давлатини ичдан емирмоқчи бўлганлар оз эдимми? (Буни мен китоблардан ва кинолардан биламан). Ўша доллар, нотинч пайтда кимнинг қандай фикрда

ҳам Сталин ҳамма ишга шахсан бошчилик қилган, деган гапларга ишонмайман. Ўша сизлар ёмолаётган Сталин даврида Ўзбекистонда 1 миллион тонна пахта етиштирилганда бутун ўлка тўйхонга айланиб кетган эди. 1952 йили 1 миллион 200 минг тонна пахта бердик.

бўлса ҳам дурустроқ чит йўқ бўлса ҳам қиммат. У вақтлардаги маҳсулотлар сифатли бўларди. Ҳозирчи? Йўқ. Ваҳоланки, сафо ва бошқа тармоқларда Сталин давридаги жиҳозлардан фойдаланаямиз-ку. Айтингламчи, Сталин хоҳ давлатнинг, хоҳ халқнинг

масалалар шу даражада қўпчилиги айтишди.

Ким ишласа ўша хатога йўл қўяди, деган нақл бор. Шундай экан, ҳар биримиз хатодан холи эмасмиз. Ана шунинг назарда тутиб, биримизнинг бетимизга қора чаплаганасдан, (айниқса, марҳумларга) нуқсонларни йўқотиш учун ҳалол курашайлик. Ленин ва Сталин курашганидек, хиёнаткор, эгри қўлларга, айниқса, партия билетига эга бўлган нафис бузуқларга қарши аёвсиз кураш олиб бориш керак. Бундайлар икки ҳисса жазога лойиқ. Муттаҳам ким бўлишдан қатъий назар, мансабдорми, оддий одамми унга ишониб топширилган вазифани бажармадимми, муттаҳамлик қилдимми қонун олдида жавоб бериши керак. Уқувсизлар эса мансаб стотларини ишбилармон, виждоли кишиларга бўшатиб берсинлар, уларни шунга мажбур қилиш, қонунни ишга солиш керак. Нопоклар башарасини очиб ташлаш фақат фойда беради.

Рихис ПҲЛАТОВА,
Тошкент шахри.

Марҳумларни тинч қўяйлик

лигини билиш осонми? Бундай шароитда ноҳақ жабрланганлар ҳам бўлган. Лекин унга ким айбдор? Наҳотки, ҳаммасига битта одам жавобгар бўлса? Ахир бепоян мамлакатимизда рўй бераётган катта-кичик, яхши-ёмон ишлар кўламини билиш учун бир одам минг йил яшаганда ҳам биллиб, йўлга солиб улгуролмайди-ку.

Мана шу нуқтаи назардан

Нарх-наво ҳар йили арзонлашиб борди. Эсимда, кўчаларга осилган қизил алвонларга нарх тушганлиги ёзиб қўйиларди (ҳозирга ўхшаб нархлар ҳуфёна оширилмасди). Бу ишлар урушдан кейинги оғир йилларда бўлган эди. Ўша вақтларда бир метр чит 7 сўм 70 тийин (ҳозирги 77 тийин) эди. Бугунги кунда пахтамиз 5 миллион тоннадан ошган

бирон тийинга хиёнат қилганими ёки маданийроқ қилиб айтганда ўзлаштирганми? Сталиннинг айби ошми пишириб, қошиқни солиб кетганидами? Ундан кейин бутун мамлакат бўйлаб «проблема»лар болалаб кетибди. Бу адо бўлмас «проблема»ларни йўқотиш учун ким нима иш қилди? Умуман нима учун қарга борманг, ким билан суҳбатлашманг ечимга муҳтож

Фикрлар тўқнашуви

Бизда — ошкоралик. Кўп нарсаларни била бошладик. Ҳозир ҳам, Сталин даври репрессиялари ҳақида материал тайёрлар эканман, жабрланганларнинг гоат улкан сонига дуч келаяман. Ўз-ўзимдан сўрайман: «Чиндан ҳам шундаймикан?» Балки, «Аргументи ва факты» газетаси Сталин даврида репрессия қилинганларни аниқ сонини айтар?

И. РОМАНОВА,

Архангельск.

«Бу мушкул савол, унга аниқ жавоб бериш қийин», — деди бизга таниқли совет тарихчиси Р. Медведев. Биз унга газетхон саволига жавоб беришни тақдир қилгандик.

Сталинизм ўз жиноятларини яшириб келди. Ҳеч ким отилган, сургун қилинган ва очлик туфайли ҳалок бўлганларнинг аниқ ҳисоб-китобини олиб борган эмас.

1933 йил баҳорда Жанубий Украинада Қизил Армиянинг дафн этиш команддалари кишлоққа-кишлоқ юриб, ўзлари номларини ҳам билмаган қанчадан-қанча деҳқонлар жасадини биродарлик қабристонларига қўйиб, устларига туپроқ тортидилар. Нима учун биз сталинизм курбонлари деганда фақат 1937 йилда отиб ташланган завод директори ёки бригада командирини тушунамиз? Отасини, эрини ёки ўғлини йўқотган ва уйдан кўчага улоқтирилган оилалар-чи?

1927 йилдан 1929 йилгача қамоқхоналарда, сурғуда, сийёси изоляторларда «жамия» тахминан миллион киши бор эди. Улар яқиндагина партиянинг оппозициядаги аъзолари, «буржуазия» мутахассислари бўлишиб, асосан совет муассасаларида сидиқидилдан меҳнат қилган, бироқ «Шахтинск иши»дан сўнг «зараркунадалар» деб эълон қилинган эдилар. Барча республикалар бўйлаб «миллатчилар» ва «нэпманлар» ҳисбага олинидилар, улар 20 йилларда қонуний тарзда қўлга киритган фойдаларини давлатга топширишни истамаган эдилар. Қишлоқ жойларда эса афсонавий «Меҳнаткаш деҳқонлар партияси» аъзолари деб эълон қилинган ветеранлар, агротехниклар, кооператорларни қамоққа олишмоқда эди.

1930—1932 йилларда жазо отрядларининг дахшати зарбаси деярли барча бой деҳқонлар бошига тушди. Уларнинг уйлари ва бисотлари шойишлик ташкил этилаётган колхозларга берилар,

ланган очарчилик 1933 йилнинг қиши ва баҳорига келиб миллий офат даражасига етди. Ҳозирга келиб турли муаллифлар ўша пайтлар очликдан ўлган деҳқонлар сонини турлича — 3 миллиондан 10 миллионгача деб кўрсатадилар. 1926, 1937 ва 1939 йиллардаги аҳолининг рўйхатга олиниши туфайли маълум бўлган билвосита маълумотларга кўра аниқроқ рақам сифатида 1932—1933 йилларда очликдан ўлган одамлар сонини 6—7 миллион, деб олиш мумкин.

Колхоз-кооператив мулкчилигига хилоф бўлган, янги ва ўта шафқатсиз қонулар асосида «бошоқчалар учун» ҳам камида 1,5—2 миллион, асосан қашшоқ деҳқонлар қамалган бўлса ажаб эмас.

1935 йилда янги оммавий репрессия кампанияси — Ленинград, Москва ва баъзи

нигача яшаш насиб этди.

1939 йилда Ғарбий Украина ва Ғарбий Белорусияда, 1940—1941 йилларда — Болтиқбўйи, Бессарабия ва Шимолий Буковинада оммавий репрессиялар бўлиб ўтди. Мазкур сталинизм курбонларининг катта қисми республикалар ҳукумати қарори билан 1987—1988 йиллардагина оқланди. Оқланган одамлар сони 1 миллионга яқинлашиб қолди.

Уруш Ички ишлар халқ комиссарлигининг жазолаш сийёсатини ўзгартира олмади. Урушнинг бошланғичдаёқ мамлакатнинг барча қаҳ-хуқуқлардан маҳрум қилинган ва кўчириб кетилаётган немис миллатига мансуб аҳолиси ортилган эшелонлар шарқ томон йўл олди. Жами, 2 миллионга яқин совет немислари кўчирилди, уларнинг 500 мингдан ошқироғи Волга бўйидаги немислар ав-

16—17 ёшга кирган ўсмирлар талайгина эди). Менимча, булар ҳам 2—3 миллион кишини ташкил қилишган.

Ички ишлар халқ комиссарлиги органлари зиммасига фақат турки қолган совиқ Ғарбий асирларни ёки Германияга ишлатиш учун ҳайдаб кетилган ёшларни, «ной алмаштирган» шахсларнинг улкан оммасининггина эмас балки немислар ишғол қилган территориялар аҳолисини ҳам «фильтрдан ўтказиш»дек беқийёс иш қилатилган. Бу ерларда эса 60 миллиондан ортиқ одам яшаган. Очликдан ўлмаслик учун бу одамларнинг қўпчилиги фашистлар ташкил қилган корхона ва муассасаларда ишлаган мажбур бўлганлар.

Тўғри, бу одамларнинг кўпчилиги жазоланмади, акс ҳолда мамлакатнинг ғарбий областлари хўжалигини тиклаб бўлмасди. Аммо, душман ишғол қилган территорияда яшаган барча аҳолининг хуқуқлари чеklang қўйилди, уларнинг каттагина қисми эса лагерларга жўнатилиб, уруш даврида сийрақлашиб қолган маҳбуслар сафларини тўлдирди. Уруш йилларида етарли асосларсиз репрессия қилинган одамлар сонини санаб чиқиш осон иш эмас. Аммо, фикримизча 10—12 миллион рақами бу ўринда ошириб эмас, анча камайитириб айтилган рақамдир.

Урушдан кейинги йилларда мамлакатимиз «Ленинград иши», «Космополитлар билан кураш», «Врачлар иши», «Морганчи-вейсмагчилар иши» тор-мор қилиш» ва бошқа кўпжа янги репрессия кампанияларини бошидан кечирди. Назаримда, сийёси айблов билан 1946—1953 йилларда 1—1,5 миллионга яқин одам қамалди.

Шундай қилиб, менинг ҳисобимга кўра, сталинизм курбонлари сони тахминан 40 миллион кишига етди. Нўноқларча бошланган уруш курбонларини ҳам алоҳида ҳисоблаб чиқиш лозим. Биз ҳақон жанг майдонларида ҳалок бўлган, дом-дараксиз йўқотган, асирликка тушиб қолган, очлик туфайли оламдан кўз юмган одамларнинг аниқ ҳисобини билмаймиз... Аммо, бу алоҳида суҳбатни таққозо этувчи бошқа мавзудир.

(«Аргументи ва факты», 1989 йил, 5-сон).

«қулоқ», эгни бут «ўртақол» ёки «қулоқ чирмадасига ўйновчи» қашшоқ оиласи эса мажбуран Сибирь, Урал ёки Шимолга — Архангельск областига, Кола ярим оролига, Коми АССРга кўчирилди. «Қулоқ қилинган»ларнинг расмий рўйхати жуда кўп бор ўзгартирилган, шунинг учун уларга ишониб қийин. 1926—1927 йиллар статистикаси деҳқон оилаларининг беш фойизини ёки 1,2 миллионини «қулоқ» сифатида кўрсатган эди.

Қулоқ хўжаликларини тутатиш ҳақидаги Марказий

бошиқа шаҳарлардан «сийфий ёт» унсурларни кўчириш бошланди. Собиқ дворян, савдогар, капиталист, чиновникларнинг оилалари оливилоят шаҳарларига кўчирилди. Бу кўчирилган кишиларнинг сонини 1 миллион дейилса унча хато қилинмайди.

1937—1938 йилларда, яъни «ежовчилик» ёки «буку террор» йилларида, менинг ҳисоблашимча 5 миллиондан то 7 миллионгача одам оммавий репрессиялар қурбони бўлган. Уларнинг деярли 1 миллиони партия аъзолари эди. Шу билан бирга, ҳибсга олинган партия аъзоларининг 80 фойизи ниқилобгача бўлган даврда партиёга кирганлар эди. Уларнинг аксарини партия-давлат ва хўжалик актив одамлари, Ғарбий саркардалар, зиёвчилар вакиллари бўлиб, Совет ҳокимияти даврида ўсгандилар. 1937—1938 йилларда ҳибсга олинганлардан деярли 1 миллион киши отишга ҳукм қилинган, қолганлари лагерларга жўнатилган. Аммо, улардан жуда оз қисмигина оқланиш ку-

тоном республикасида эди. 1934—1944 йилларда Давлат Мудофаа комитетининг қарорига кўра Шимолий Кавказ ва Қрим аҳолиси — қалмиқлар, чеченлар, ингушлар, қорачойлар, қрим татарлар ва бошқалар зўраки тарзда шарққа кўчирилди. Кўчирилган мусулмонларнинг умумий сони тахминан 3 миллион кишини ташкил қилди. Ушбу «жазолашган» халқлар вакилларининг ҳисоб-китобига кўра кўчириш чоғида 1 миллионга яқин болалар, аёллар, қариялар, насаллар оламдан кўз юмган.

1940 йилда мамлакатда яна бир нечта ўта шафқатсиз қонулар жорий қилинди. Буларга асосланиб, 3 марта ишга 20 минутдан кўпроқ вақт кечкиб келган ёки бир куш ишга чиқмаган ишчи ва хизматчилар судга берилишлари ҳамда 3—5 йиллик лагерларга ҳукм қилинишлари мумкин эди. Бу қонун курбонларининг қанчалигини аниқлашга ҳозирча имкон йўқ (лагерларда бундайларни «указниклар» деб аташар ва улар орасида эндигина

ФОЖИАЛИ СТАТИСТИКА

Ижрия Комитет инструкциида ҳам тахминан шундай рақамга дуч келамиз. Ҳувоҳларнинг ҳикоясига кўра, бой деҳқонларнинг айримларини ва илгарироқ ўз бисотларини сотиб шаҳарга қочиб қолшига муваффақ бўлишган. Қолганлар бадарга қилиндилар. Уртача деҳқон оиласини 6—7 кишидан иборат деб ҳисобласак, бу сталинизмнинг 6—7 миллион янги курбонлари эди. Агар улар сағига яна 3—4 миллион «қулоқлар чидирмасига ўйнаган»ларни қўшиб санасак ҳам янглишмаган бўлаемиз.

1933 йилда ҳам камида 1 миллион деҳқон бадарга қилинди. Шошилинч ва зўра-зўраки ташкил этилган колхозлар тезда мамлакат учун зарур галла ва бошқа маҳсулотларни етказиб беради деган умид хомжаълигида қолди. Дон ишлаб чиқариш қисқарди, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам сезиларли даражада пасайиб кетди.

Мамлакатнинг деярли барча галла экувчи районларида 1932 йилнинг кузида бош-

Кизлар гафтаридан

БИЗ АСРАЙ ОЛМАГАН ҚУШЛАР

«Туғаб бораётган табнатида қуш...» Олим урғу берар яна бу гапга. Қирғовул санокли қолаётганимиш, У ҳам қирар эмияш «Қизил китоб»га. Олим айтишича, у жуда гўзал, Бўйни бинафша ранг, пати ялтироқ. Кўнғир нуралари ёнаркан ял-ял. Қаноти қайрилган, тушуши — суроқ. Вагани — уясин ташлаб кетмаган. Асл бўёқлардан яралган бу қуш. Бугун кўкда озод учмоғи гумон, Эртага наҳот у бўлиб қолса ташт? Унтами, юзтами, мингтами овчи, Панадан бу ноёб қушга ўқ узди. Она-табнатнинг йўқолиди тинчи. Бемехрлик қушлар уйини бузди... Қушсиз қолса яшил ермиш, наҳот? Юрак титраб кетар бу аччиқ гапдан. Биз асрай олмаган қушларни авлод ўқийдими кейин «Қизил китоб»дан?



Анора ПАРДАБОВЕВА.

ҒУНЧАНИ СЎЛДИРМАНГ

Буни қара-я, қизим, бултур кийган кўйлагинг бу йил калта келиб қолибди. Бўйинг чўзилиб, ёшинг бир йилга улғайибди. Айёр вақт умримиз дафтаридан сездирмай, яна бир варағини олиб олибди. Онангинг ҳам тим қора сочлари орасига чопагон йиллар «биз бесемар ўтганимиз йўқ, биз босган қадамлардан ҳам из қолади» дегандек икки дона оқ тола оралатибди. Кўйлак, оқ тола — вақт ўлчовидек гўё. Дард тўлғоғида туғруқхона йўлагининг у бошидан бу бошига юриб, «иккинчи туғмайман» деб қасам ичганларим, икки йилдан кейин эса яна худди шу йўлакда «бўлди етар, шунча азоб...» дея, яна ўзимни овутганларим худди кечагина бўлиб ўтгандек. Қизим олти ёшга, ўлим тўртга тўлибди-ю, гўё битта кўз юмганчалик фурсат ўтгандек. Қизиқ, аёл зотининг шунчалар кўнгли бўш бўларкан-ки, фарзандининг битта кулгуси билан тўлғоғу, бошқоронғилик азобини унутаркан. Чақалонинг ажиб ҳидини қумсаб, яна... яна туғруқхонага йўл оларкан. Буюк фидойилик.

Аммо... Юраги остидаги ҳимоясиз, мушфик фарзандини тирикчилиги қиймалашаётганда, кўзига бир томчи ёш келмайдиган оналар қалби тошданмикан, метинданмикан?!

Қагга

Ҳаётда шундай бир аёлни учратганман. Ёши ҳали қирққа етмабди-ю, ўн беш боланинг, ёрғун дунёга талпинган ўн беш полонининг ҳаётини ўзининг беҳаёт умрининг қурбонига айлантирибди. Бу нима, шафқатсизликми, бағри-тошликми?! Йўқ, бу — қотиллик, ваҳшийлик! Уларга йирткич деган ном ҳам ҳайф, чунки онгсиз мавжудот ҳам ҳаётини хавф остига кўйиб бўлса-да, полонларини овбаста турғаз-мағунча тинчимайди. Обортга наҳотда турган аёлларга қараб, «Шафқат қилинг! Ҳимоясиз гўдакни қиймаламанг!» деб ҳайқиргим келади.

Наҳот, гўдакни қиймалашга ақли етган медицина аёлларга ёрдам беришга қурб етмаса. Наҳотки, наҳотки қурбон қилишдан бошқа чора бўлмаса! Улим чағаллидаги инсонни ҳаётга қайтаришга «қобил тиббиёт», наҳот ақлли фарзандининг қотилига айлинишдан сақлаб қолмасам!

Истагим, бутун дунёни гўдак кулгуси янгра-са, аёл тинчсини гўдак йиғиси бузса.

Маҳбуба АМИНЖОНОВА, Тошкент шаҳри.

АКС-САДО

ҲАҚИҚАТАН ШАРОИТ ЗАРУР

БИР донишманд: «Дунёда нима ширин!» деб сўрабди-да, кейин ўзи жавоб берибди: — Ойлада аҳиллик, фарзандлар...

Дарҳақиқат шундай. Энди шу ширин болаларни ким тарбиялайди! Она, аёл. Аммо уларнинг бунга вақтлари етарлими...

«Тошкент ҳақиқатининг шу йил 4 февраль сониде эълон қилинган Қ. Носированинг «Аёл ҳамон даладан мақоласини ўқиб чиқдик. Унда билдирилган барча фикрларга тўлиқ қўшилмас. Ҳамон эркаклар сояпарвар, енгил-елпи ишларга ўзларини ураётганлари сир эмас. Колхоз-совхоз далаларидаги энг оғир ишларда — гўзани яғналаш, чопиқ қилиш, йиғим-теримда аёллар ва болалар меҳнатидан кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, завод-фабрикадаги станоклар ортида ҳам асосан хотин-қизлар меҳнат қилишмоқда. Бунга уларнинг эмас, маснага тушадиган уй-рўзгор ишлари — овқат пишириш, кир ювиш-дазмоллаш, боғчага борниш, бозор-ўчарни қўшадиган бўлса, болалар тарбияси, айниқса, ўзларининг дам олишлари учун вақт умуман йўқлигини, шароит яратилмаганини гувоҳи бўлаемиз.

Бизнинг фикримизча, колхоз-совхоз ва фабрика-заводларда ишловчи хотин-қизларга иш соатини 2—3 соатга қисқартириш вақти келди.

Иккинчидан, маажуд дам олиш уйлари ва санаторийларнинг маълум қисмини фақат болалик оналар учун мослаштириш керак. Токи аёллар фарзандлари билан хордиқ чиқариш имконига эга бўлишсин. Учинчидан, колхоз-совхозларда, маҳаллаларда аёллар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш зарур. Санъаткорларни тез-тез тақлиф қилиб, атоқли кишилар билан учрашувлар уюштириш, пиру-бадавлат хонадон соҳиблари тажрибаларини оммалаштириш керак.

Азиза САЪДУЛЛАЕВА, кўп болали она, Тошкент шаҳри;

Карима МАХИДДИНОВА, Янгийўлдаги «Ленинизм» колхози аъзоси.



Одам—одобдан топар

БИР АЁЛНИ кўрсанг, ҳавасинг келади, у билан яна учрашсам, сўхбатлашсам, деб юракдан орау қилиб юрасан. Яна бир аёлни кўрсанг қилиқларни дилингни оғритади. У билан учрашганидан ё у билан бир жойда ишлаётганидан аёсулсансан.

Санъатимиз равнақиға каттагина ҳисса қўшиб кетган ҳақ хофиз, академик Юнус Ражабийнинг рафиқалари Қумри момони кўрганимдан кейин, яна фурсат топиб, унинг ҳузурига ошиқдим. Чунки муомаласи ёқимли, овози майин, кўнгли тоза, борлигидан нур ёғилиб турган бу аёл билан сўхбат дилингни яйратиб юборди, ҳаётга муҳаббатингни оширади. Фарзандларини оқсилларининг айтишича, Қумри момо умрида овозини балаид кўтариб, бировнинг дилини оғритган эмас.

— Ота билан (Юнус Ражабий ҳақида гап кетаяпти — С. М.) қандай ҳаёт кечириб, қандай яшагансизлар? Уриш-жанжал бўлганми? — деб сўрайман.

Момо бош чайқайди. Секингина, қисқагина жавоб беради: — У кишининг юзларига сира-сира тик қарамаганман. Гап қайтармаганман, — дейди момо ерга қараб, мақтаниб юбормадимми дегандай жилмайиб қўяди. — Баъзан жаҳллари чиққан пайтдаим индамай қўя қолардим. Кейин, ўзлари бир пастда жаҳлдан тушиб қолардилар. Оғир, вазмин, мулоҳазали, яхши одам эдилар. Қумрихон, деб қаҳирардилар. Бу икки оғиз гапда қанчалар катта маъно борлигини ўйлаб

ҒОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

● ЯПОНИЯДА қизиқ кузатув ўтказишди. Эмизикли оналарга классик музика эшиттирилганида, уларда кўкрак сути кўпайган. Джаз ва поп-музика тингланган оналарнинг сути эса камайган.

● АГАР эйрак тақини истасангиз қулоғингизни уй шароитида тешманг. Бу оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Чунки уйда зарур асептика қондаларига риоя қилиш қийин. Оқибатда қулоқ чиганогининг юшоқ тўқималари ва тоғайларда ялғиланиш пайдо бўлиши мумкин.

● ҲАЙЗ кўрган пайтда аёллар иложи борича пастроқ товушда гапиршишлари керак. Акс ҳолда аёлни овози фақат бўғилиб қолмай, балки товушини бутунлай йўқотиб қўйиши мумкин. Бу даврда организм гармонларга жуда тўйинган бўлади. Шиллиқ пардалар физиологик товак бўлиб туради, периферик томирлар кенгайди, тўқималарга қон қўйилишига мойиллик юзага келади.

Каттиқ товушда гаплашиш, қўшиқ айтиш, қичқириб товуш бурмалари шиллиқ пардаларининг кўчишига, бу жойда туғунчалар юзага келтиради.

БИЗ ҚАНДАЙ СЎЗЛАЙМИЗ?

келганимизда ширин-ширин таомлар тайёрлайдиган аёлни бир кўрайлик, сўхбатлашайлик, депти. Бу гапни эшитиб Қумри момо «Вой, мен ўқимаган, тушунмаган бир аёл бўлсам, у ўқимишли одамга қандақ кўринаман, деб ошхонага яшириниб олипти.

Узини эркакларнинг тўдасига урадиган, ҳеч кимга гап бермай шақиллаб ўтирадиган аёлларни кўрганимда ана шу воқеани эслаيمان.

«Саодат» журнали редакциясига Дилфуза Шомаликова деган қиз ишга келди. Узи Тошкент Давлат университетининг кечки бўлимида ўқийди. Паркентлик.

Бу икки оғиз гапда қанчалар ҳаё ҳаммамизга худди баҳор

шаббодаларидек тәсир қилди... Мана келганига икки йил бўлди ҳамки, ҳали унинг на ўзидан кичикча, на каттага тик қараб, гап қайтарганини, ё ортиқча гапларга қўшилганини, на бировни ёмонлаганини кўрганимиз йўқ.

У мулоим, паст товушда гапирсаям ҳаммамиз эшитамиз. Эшиқдан биров кириб келганда албатта ўрнидан туриб кутти олади. Гапларингизни диққат билан тинглаб, «Хўп», «Жу-

Бошқалар ими-жимиде адо этган ишларни «Мен бажардим, у эса ёмон ишлаптин», деб бошлиқни шундай аврайдикки, ишонтиниб қўйганига ёна ушлайсан. Мард бўлсан, дуст бўлсан, айтилик, ўша ёмон ишлаган одам билан ўзинг юзма-юз гаплаш, камчиликларини тушунтир. Ердам бер, Йўқ, у атрофидегиларни бошлиққа ёмонлаб, уларга қандай чоре кўриш ҳақида «ақл ўргатиш» билангина кун кўради. Лекин уни яқинда ўртага олиб, росе кирдикорларини очиб ташладик. Унинг ногорасига ўйнаб юрган лақма бошлиқ ҳам ерга қараб қолди.

Уйлайман, нега биз аёллар бир-биримизга меҳрибон эмасмиз. Нега бутун умримиз ўтган коллективда опа-сингилдек яшаб-ишлаб юрмай, бир-биримизни ёмонлаб дилимизни оғритамиз. Юрагимизни касал қиламиз.

Биз ўзбек хотин-қизлари ўша қадим-қадимдан қолган ҳаё, ибто ва майилликни унутиб қўймайлик. Бир-биримизни фақат дастурхон атрофида эмас, иш устида, қийинчиликлар вақтида ҳимоя қилиб, қўллаб-қувватлаб, билмаганимизни ўргатиб, яшасак, меҳнат қилсак — диққат бўлмасдик, камроқ касал бўлардик, кўпроқ яшардик.

Умуман тилга кўпам эрк бермаслик керак. Тилинг суяғи йўқ дейишгани рост, аммо уни ўз вақтида жиловлай биллиш, мулоҳаза билан иш юриш керак. Яшаш учун зарур, муҳим гапларни самимий аята билсак — қандай яхши!

Санъат МАҲМУДОВА.

Одам—одобдан топар

ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

Душанба,

20 февраль

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Сибирнома. Бадий фильм. 10.15 Мультфильмлар. 10.45 Кувноқ стартлар. 11.30 Янгилликлар. 11.40 Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.40 Концерт. 13.00 Мамлакат телевидение студияларининг ҳужжатли фильмлари. 15.20 Янгилликлар. 15.35 Сайловлар олдидан. 15.45 Ҳужжатли фильм. 16.05 Болалар соати. 17.05 Лирик концерт. 17.25 Агро тележурнали. 17.55 Чанги спорти. Жаҳон чемпионати. 19.45 XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 20.15 Шезрият лаҳзалари. 20.20 Қизил гилмадга уч киши. Телеспектакль. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Маршал Рокоссовский. Ҳаёти ва давр. 23.45 Дунё воқеалари. 24.00 Концерт.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Тарих. 10.05 Италия тили. 11.05 Сиз яратган бог. 11.35, 12.35 Тарих. 12.05 Теле-ЭКО журналига илова. 13.05 Дивизия командирининг бир кунни. Бадий фильм. 14.35 Янгилликлар. 14.45 Ҳужжатли фильмлар. 15.15 Енгил атлетика. Европа чемпионати. 17.35 Янгилликлар. 17.45 Ҳамамага раҳмат. Бадий фильм. 19.20 Қўшқининг туғилиши. 19.55 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.00 Чанги спорти. Жаҳон чемпионати. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Енгил атлетика. Европа чемпионати. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Ҳамамага раҳмат. Бадий фильм. 23.50 Тонгги почта. 00.20 Чанги спорти. Жаҳон чемпионати. 01.05 Янгилликлар.

УзТВ

15.00 Москва учун жанг. Бадий фильм. 16.20 Зоология. 16.50 Телефильм. 17.00 Илмий-оммабоп тайёрланган. 18.05 Мультфильм. 18.15 Узбек тилини ўрганиш. 18.50 Сиёсий шарҳловчиларнинг давра суҳбати. 19.20 Ешлик студияси кўрсатади. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Инсон ва кунун. 23.15 Ҳужжатли фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Робинзон Крузонинг ҳаёти ва аjoyиб саргузаштлари. Бадий фильм. 21.00 Тошкент студияси кўрсатади. 21.30 ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ.

Сешанба,

21 февраль

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Сибирнома. 1- ва 2-фильмлар. 11.15 Бу бўлган... бўлганди... 11.30 Янгилликлар. 11.40 Болалар соати. 12.40 Қизил гилмадга уч киши Телеспектакль. 15.00 Янгилликлар. 15.15 Сайловлар олдидан. 15.25 Салом, музика. 16.10 Объектив. 16.40 Сиз бунга қодирсиз. 17.10 Ҳокимият — Советларга. 17.55 Чанги спорти. Жаҳон чемпионати. 19.45 Дунё воқеалари. 20.00 Концерт. 20.20 Сибирнома. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.00 Сайловлар олдидан. 22.10 Концерт.

23.05 Матбуот билан учрашув. 23.20 Дунё воқеалари.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 География. 10.05 Француз тили. 11.05 Астрономия. 11.35, 12.40 Тарих. 12.00 Француз тили. 12.30 Ҳужжатли фильм. 13.05 Ҳамамага раҳмат. Бадий фильм. 14.40 Янгилликлар. 14.50 Ритмик гимнастика. 15.20 Ҳужжатли фильм. 15.35 Концерт. 17.35 Янгилликлар. 17.45 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 18.45 Мультфильм. 19.00 Сиваш: муаммолар ва истиқболлар. 19.30 Ритмик гимнастика. 20.00 Фестиваль экран. 20.30 Тунингиз- хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ҳужжатли фильм. 21.10 Концерт. 21.20 Сайловлар олдидан. 21.30 «Время». 22.05 Футбол. Болгария — СССР. 23.50 Янгилликлар.

УзТВ

15.00 Москва учун жанг. Бадий фильм. 16.30 Телефильм. 16.45 Қизиқарли математика. 17.15 Телефильм. 17.25 Адабиёт. 18.00 Янгилликлар. 18.15 Мультфильм. 18.30 Мардлик-мангулик. 19.15 Давра суҳбати. 20.00 Ахборот. 20.20 Шу куннинг долзарб мавзуси. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.00 Сайловлар олдидан. 22.10 Пахтачилик: тажриба ва муаммолар. 22.35 Бузоқ йили. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Унинг қайлигиман. Бадий фильм. 20.50 Реклама. 21.00 Тошкент студияси кўрсатади. 21.30 ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ.

Чоршанба,

22 февраль

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Сибирнома. Бадий фильм. 2- ва 3-фильмлар. 11.05 Янгилликлар. 11.25 Оламга савҳат. 12.25 Концерт. 15.10 Янгилликлар. 15.25 Қайта қуриш прожектори. 15.35 Болалар соати. 16.35 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 17.20 Қалбга якин қўшқинлар. 17.55 Чанги спорти. Жаҳон чемпионати. 19.45 Дунё воқеалари. 20.00 Концерт. 20.10 Мультфильм. 20.25 Сибирнома. Бадий фильм. 2-фильм. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар. 23.45 Халқ куйлари. 24.00 Дунё воқеалари.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Уй академияси. 9.45, 10.35 Теварак-атроф билан танишиш. 10.05 Немис тили. 10.55 Ҳужжатли фильм. 11.05 Онланнинг ахлоқий негизи. 11.35, 12.35 Физика. 12.05 Немис тили. 13.05 Ҳужжатли фильм. 13.35 Телеочерк. 13.55 Янгилликлар. 14.05 Концерт. 14.50 Маршал Рокоссовский. Ҳаёти ва давр. 17.35 Янгилликлар. 17.45 А. П. Чеховнинг экранлаштирилган асарлари. Бадий фильмлар. 19.10 Ҳужжатли фильм. 19.20 Садир бўлмаслиги мумкин бўлган иш. 19.55 Спорт программаси. 20.35 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 А. П. Чеховнинг экранлаштирилган асарлари. Бадий фильмлар. 23.40 Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 00.10 Янгилликлар. 00.20 Чанги спорти. Жаҳон чемпионати.

УзТВ

15.00 Москва учун жанг. Бадий фильм. 16.25 Телефильм. 16.45 УзССР тарихи. 17.15 Телефильм. 17.25 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 18.05 Мультфильм. 18.25 Мактаб ўқувчилари учун. 19.10 Мушоҳада. 19.45 Комсомол прожектори. 20.00 Ахборот. 20.20 Кунун созида куйлар. 20.30 Ахборот. 20.50 Ҳужжатли экран. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Инқилоб чавандозлари. («Узбекфильм»).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Ешлик студияси почтасидан. 20.30 Муаммолар ва ечимлар. 21.05 Пульс. 21.15 Оқшом эртақлари. 21.30 ДУШАНБА КўРСАТАДИ.

Пайшанба,

23 февраль

СОВЕТ АРМИЯСИ ВА
ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ
КУНИ

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Сибирнома. Бадий фильм. 3- ва 4-фильмлар. 11.10 Янгилликлар. 11.20 Концерт. 11.55 Володьканинг ҳаёти. Бадий фильм. 1- ва 2-сериялар. 14.05 Мультфильмлар. 14.40 Янгилликлар. 14.50 Сайловлар олдидан. 15.00 Концерт. 15.55 Е. Носов. Фалабининг гулгун шароити. 16.55 Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флоти кунни. 17.10 Ҳокимият — Советларга. 17.40 Дунё воқеалари. 17.55 Чанги спорти. Жаҳон чемпионати. 19.25 Концерт. 20.15 Сибирнома. Бадий фильм. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Сибирнома. Бадий фильм. 4-серия. 23.15 Дунё воқеалари. 23.30 В. Леонтьев. Эстрада программаси.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 М. Горький. 10.05 Испан тили. 11.05 Умумий биология. 11.35, 12.35 Биология. 12.05 Испан тили. 13.05 Концерт. 14.15 Янгилликлар. 14.25 Оддий аскарлар. Фильм-спектакль. 16.40 Томошабинсиз концерт. 17.10 Янгилликлар. 17.20 Баскетбол. 18.20 Мультфильмлар. 18.55 Чанги спорти. Жаҳон чемпионати. 19.25 Темир ёлғир. Бадий фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Киножурнал. 21.00 Спорт ва шахс. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Юрмала-89. 01.15 Чанги спорти. Жаҳон чемпионати. 02.00 Янгилликлар.

УзТВ

15.00 Москва учун жанг. Бадий фильм. 4-серия. 16.35 Музикали фильм. 16.45 Физика. 17.15 Телефильм. 17.25 Саблар ҳақида ҳикоялар. 18.05 Мультфильм. 18.25 Бойчечак. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Музикали программа. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Белие роси қишлоғи. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Навқирон ҳаётдан тўрт саҳифа. Бадий фильм. 20.50 Объективда — қайта қуриш. 21.30 ДУШАНБА КўРСАТАДИ.

Жума,

24 февраль

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Сибирнома. Бадий фильм. 4-серия. 10.10 Йил фасллари. 11.10 Янгилликлар. 11.20 Болалар соати. 12.20 Бувимнинг сандиғи. 15.30 Янгилликлар. 15.45 ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 16.25 Интерсигнал. 16.55 «Правда» газетаси бош редакторининг ўринбосари, иқтисод фанлари доктори, профессор Д. В. Валов билан учрашув. 17.55 Чанги спорти. Жаҳон чемпионати. 19.40 Дунё воқеалари. 19.55 Надежда. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Ҳужжатли фильм. 22.25 Чанги спорти. Жаҳон чемпионати. 23.00 Бу бўлган... бўлганди... 23.20 Дунё воқеалари. 23.35 Навқирон кино.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 К. Г. Паустовский. Мешчерга томони. 10.05 Инглиз тили. 11.05 Физика. 11.35, 12.35 Теварак-атроф билан танишиш. 11.55 Ҳужжатли фильм. 12.05 Инглиз тили. 12.55 Бадий фильмлар. 14.20 Янгилликлар. 14.30 Ритмик гимнастика. 15.00 Ҳужжатли фильм. 17.35 Янгилликлар. 17.45 Фестиваль экран. 18.45 Ритмик гимнастика. 19.15 Зона. Ҳужжатли фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ҳужжатли фильм. 21.15 Ешлик куйлади ва рақсга тушади. 21.30 «Время». 22.05 Ойгача бир қадам. Бадий фильм. 1- ва 2-сериялар. 00.30 Хоккей. СССР чемпионати. «Химика» — «Динамо» (Москва). 01.15 Янгилликлар.

УзТВ

15.00 Аср бошида. Бадий фильм. 16.25 Телефильм. 16.45 УзССР тарихи. 17.15 Телефильм. 17.25 Илмий-оммабоп программа. 18.00 Янгилликлар. 18.15 Мультфильм. 18.25 Инсон болалардан бошланади. 19.00 Агрорасаноот: тажриба ва муаммолар. 19.30 Баскетбол. 20.00 Ахборот. 20.20 Шу куннинг долзарб мавзуси. 20.30 Ахборот. 20.50 Музикали программа. 21.30 «Время». 22.05 Кувноқлар ва зуклолар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Ешлик студияси кўрсатади. 20.05 Уфқ ортига йўл. 21.05 Пульс. Информатика кўрсатади. 21.30 ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ.

Шанба,

25 февраль

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Сиз яратган бог. 9.35 Қувайт ҳақида телеочерк. 10.25 Сени севаман, ҳаёти! Фотокурс. 10.30 Инсон. Ер. Коинот. 11.30 Социализм мамлакатларидан. 12.00 Аёл ҳаётдан ўн беш деқика. 12.15 Ҳайвонот олами. 13.15 Дунё воқеалари. 13.30 Фестиваль. 14.00 Аслини олганда. 15.15 Ҳужжатли фильм. 15.25 А. Папанов ишириқ этган фильмлар. Белорус воқзалари. 17.00 Эфирда музика. 19.00 9-студия. 20.00 Кинопанорама. 21.30 «Время». 22.05 Қизғин микрофон. 23.20 Телетомошабин ҳамроҳи. 23.40 Янгилликлар. 23.45 Ю-Би 40 группасининг концерти.

MT II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгилликлари.

9.45 Мангу муҳаббатга сазов мамлакат. 10.45 Елгонда-каинга «бир». Бадий фильм. 12.00 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 12.45 Ҳужжатли фильмлар. 13.30 Телевизион музикали абонемент. 14.20 Ҳужжатли фильм. 14.35 Шаҳар таронаси. 15.20 ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 16.00 Чанги спорти. Жаҳон чемпионати. 17.30 Мультфильмлар. 18.00 Телевизион танишув. Юрий Никулин. 19.30 Бошқача бўлиши мумкин эмас. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 А. Гилязов. Уч газ ер. Фильм-спектакль. 00.15 Янгилликлар. 00.30 Конькида югурши спорти.

УзТВ

9.00 Ассалому алайкум. 10.00 Шанба экран. 10.30 Спорт шарҳи. 11.30 Светофор. 12.10 Китоб дўстлари. 13.00 Болалар учун фильм. 14.05 Замандас. 15.05 Одамлар ва тақдирлар. 16.05 Таварлар — халққа. 18.05 Камалар. 18.50 Бўстон. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Давлат «Ялла» ансамблининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 Дўстлик экран. 23.35 Концерт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

18.00 ДУШАНБА КўРСАТАДИ.

Якшанба,

26 февраль

MT I

8.30 Янгилликлар. 8.45 Гимнастика. 9.30 Болалар учун кўрсатув. 10.20 Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 Тонгги почта. 12.00 Савҳатчилар клуби. 13.00 Болалар учун программа. 14.30 Музикали кинос. 15.00 «Здорье». 15.45 Янгра, гармон! 17.05 Ҳужжатли фильм. 17.25 Мультфильм. 17.30 Қишлоқ янгилликлари. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Канизак Изабелла. Бадий фильм. 6—7-сериялар. 21.30 «Время». 22.05 Салом, доктор. 22.20 Космик телеуқцион. 00.50 Янгилликлар.

MT II

8.30 Зарядкага сафланинг. 8.45 Ойгача бир қадам. Бадий фильм. 1—2-сериялар. 11.00 Савҳатчилар клуби. 12.00 Демократия уйинлари. 12.30 Солдат қўшиғи. 15.30 Спорт программаси. 18.15 Адабий-бадий видеоканал саҳифаларида. 20.00 Италиядан Россияга савҳат. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Конькида югурши спорти. 21.30 «Время». 22.05 Салом, доктор. 22.20 Декабрь кунларидан бирида. Бадий фильм. 23.30 Янгилликлар.

УзТВ

9.00 Ассалому алайкум. 10.00 Оила даврасида. 10.30 Биргаликда куйлақимиз. 10.55 Спорт программаси. 11.55 Китоб — бизнинг дўстимиз. 12.55 «Уй-жой-2000». 13.30 Андаҳо ови. Бадий фильм. 15.00 Элга хизмат: талаб ва тақдир. 15.30 Ешлик. 16.00 Техника ижодиёти мактаби. 16.35 Реклама. 18.00 «Ерлаш». 18.10 Санъат гунчалари. 19.00 Тошкент студияси кўрсатади. 20.00 «Ахборот». 20.20 Шундай аёл бор. 20.30 «Ахборот». 20.50 Дам олиш музикали программаси. 21.30 «Время». 22.05 Телевизион миниатюралар театри. 23.05 Н. Ҳамроқуллов куйлайди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ
УЧУН ПРОГРАММА

16.00 ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ.

Чустий таваллудининг 85 йиллигига

ШОИР Чустий (Набихон Хужаев) ҳаёт бўлганларида ўзини беҳад ардоқлаган эли билан бирга муборак 85 ёшини нишонлаётган бўларди. Ҳали китоб дўконлари пештахталарига чиқмаёқ кўлма-кўл бўлиб кетган девонидagi жозибдор шеърларидан қайнаб-жўшиб ўқиб берарди.

«Ёш Набихонни шеъриятининг сехрли оламига илк бор олиб кирган ҳам, унинг қўлига қалам тутқазиб, дастлабки машқларини баҳолаган ҳам Туробий тахаллус билан ажойиб ғазал, мухаммас, маснавийлар яратган отаси Нуриллахўжа эди», дейди адабиёт-шунос олим Шариф Юсупов шоирнинг «Ҳаётнома» китоби-га ёзган сўзбошида.

Нуриллахўжа ота ўғли Набихонни шеъриятнинг адоғи кўринмайдиган сермашаққат йўлига олиб чиқиб, унга оқ йўл тилади. Ўзбек ва тожик тилларини баб-баравар мукаммал билган Чустий Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Фузунлий каби сўз санъаткорларининг адабий меросини кўнг ва чидам билан ўрганган. Нодира, Муқимий ва Фурқат ижодида ҳам ҳурмат билан қаради. Узи ҳам бадий баркамол асарлар яратиш даражасига етиб, тез орада элнинг назарига тушди.

Чустий устозларига бир умр содиқ бўлиб қолди. Унинг «Ҳаётнома» девонидан ўрин олган «Ворисларинг биз» (Муқимийга), «Бокйинома» (Навоийга жавоб) каби қатор асарлари ҳамда Навоий, Фузунлий, Нодира, Муқимий ва Фурқат ғазалларига боғланган бадий баркамол мухаммаслари шундан далolat беради.

Чустий халқ билан доим бирга бўлди, унинг қувонч ва ташвишларини, умид ва озуларини ўз асарларида куйлади. «Ҳаётнома» девонини жамоатчилик асосида тузишда шоир М. Ҳайдар уни «Халқ мадҳияси» ғазали билан бошлаб, шуни назарда тутган бўлса эмас эма.

Шоир ёзади: Халқимизнинг таърифи ердан буюк осмонгача,

маларнинг асарларидан қилган таржималари ҳам кенг китобхонлар эътиборини қозонганди. Шундай асарларидан баъзи намуналарни, чунончи, Навоийнинг Жомий ғазалига мусаддасини, «Маскан» («Девони Фонийдан») ғазалини, Саъдийнинг «Ҳикоятини, Рудакийнинг «Қилич бор деб...» ғазалини девонга киритиб ўринли иш қилинган. Чустий — интернационалист

АРУЗНАВИС ШОИР

Топмаган ҳеч эл бу тил шухратин бу давронгача...

Чустий ижодида халқ, Ватан ва дохий Ленин образлари ўзaro боғланган ҳолда ифодланади, партиямиз барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси эканлиги юксак пафос билан куйланади. «Ватан ашъорин», «Москва», «Лениндан ишон», «Коммунист», «Ватан ишқи» ғазалларини, «Дохий Ленинга», «Ўзбекистоним», «Улкам менинг» каби мухаммас, мусаддас ва мустазодларини ўқиган ҳар бир китобхон бу фикримизга қўшилишига ишонамиз. Чустийнинг тожик тилида ёзган шеърлари «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасида мунотазам равишда босилиб турарди. Рудакий, Саъдий, Ҳофиз каби форс-тожик классик шоирларидан, Лохутий, С. Айний, М. Турсунзодадек алло-

шоир эди. У совет халқларининг бузилмас дўстлигини тараннум этувчи ўнлаб ажойиб шеърлар ёзди. «Улуғ рус халқига», «Ўзбекимсиз, тожикимсиз» мусаддаслари, А. С. Пушкинга бағишланган «Улуғ сиймо» мухаммаси ана шундай асарлар сирасига кирди. Шоирнинг жўшқин илҳом билан яратган ушбу мисралари қайси китобхоннинг қалбига зўр ҳаяжон, халқлар дўстлигиндан беҳад фахрланиш туйғуларини уйғотмайди, дейсиз!

Икки чўлми иккимиз ишлаб қилурмиз бир чаман, Дохий Лениннинг ўзи бу ишга бизни бошлаган. Биргамиз ўн беш биродар бир туғишган жону тан, Кимки бизга қасд этаркан, аирагай ўз жонидан. Биттадир аслида, Чустий, отамиз ҳам онамиз,

Ажратиб бўлмас сира, ўзбекимсиз, тожикимсиз!

«Ҳаётнома»ни мамнуният билан мутотала қилар эканмиз, кўз олдимида зукко, донишманд, ҳақиқий мислахатгўй отахоннинг нурли сиймоси гавдаланади. У бизга ширинсуханлик билан панду-насиҳатлар қилиб тўғри йўлга бошлайди. Инсофли, адолатли, қаноатли, ўзарo меҳр-оқибатли бўлишга, нафисбадлик, таъмагирлик, кўнгли қоралик, чақимчилик, ёлгончилик, ғаразгўйлик, иккиюзламачилик, ичкиликбозлик каби ярамас иллатлардан ҳазар қилишга ундайди. Девондан жой олган рубоий ва қитъалар, ўткир сатирик шеърлар фикримизга далил бўла олади.

Чустий Ҳабибий, Собир Абдулла ва Чархйй сингари арузнавис шоирлар билан бир сафда туради. Гафур Буллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1988 йилда эл севган шоирнинг девонини босиб чиқариб, хайрли иш қилди. Чустий бу китобни ўзи нашрга тайёрлай бошлаган эди. Афсуски, умри вафо қилмади. Унинг орузсини фарзандлари Музаффар ва Бахтиёр Хужаевлар рўёбга чиқариш мақсадида асарларини тўллаб, нашриётга топширишганди.

Чустий ўзининг сермаъно, жозибали кўшиқ ва ғазаллари билан эл-юрт оралаб юрибди. Шоир бунга астойдил ишонган эди:

Оромикон ғазал ёз, жон бахш этар ишмига, Юргин жаҳонда Чустий, гўёки ўлмагандек.

Усмон ЮСУПОВ.



ЧОЙНИНГ ФОЙДАСИ ҲАҚИДА

«Телевизор томоша қилаётган пайтингизда сизга ҳозир расм бўлганидек кофе эмас, балки чой ёки лимонат ичшини маслаҳат берамиз. Негаки чой, айниқса, кўк чой телеэкрандан тараладиган зарарли радиактив нурлар таъсирини сусайтиради», — дейди Хитой кишлоқ хўжалиги академияси қошидаги чой институти директорининг ўринбосари, профессор Чэн Цикун. Олим Ханчжоу шаҳрида чой сифати ва унинг инсон саломатлигига бағишланган халқаро симпозиумда ўз фикри ва дунёқараши билан ўртоқлашди. Профессор Чэн Хитойда чой нур касалликларига қарши дори сифатида самарали ишлатилаётганини ҳам айтиб ўтди. Институтда чой экстрактидан оқ қон таначалари сонини кўпайтирадиган дори ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган экан.

Бу—қизик



БУНИ ҚЎЛ МАШИНАСИ ДЕСА БЎЛАДИ

МОСКВА, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида «Ҳаваскорлар илмий-техник ижодиёти» деб номланган, доимий фаолият кўрсатувчи Бутуниттифок кўргазмаси ишлай бошлади. Унинг дастлабки экспозицияси «Машинасозлик» павильони залларида очилди. Бу ерда ҳаваскорлар илмий-техник ижодиёти клублари ҳамда ёшлар илмий-техник ижодиёти марказларида ясалган махсуслотлар намуналари ва ишланмалари намойиш қилинмоқда.

Кўргазма экспонатлари орасида турли транспорт воситалари, уй-рўзгор ва томорқа участкаси юмушларини механизациялаш имконини берувчи жиҳозлар, спорт тренажерлари ва бошқа кўп нарсаларни кўриш мумкин.

СУРАТДА: оғирлиги 70 грамм келадиган қўл тикув машинаси. Уни москвалик Ф. М. Фраддин ясаган.

В. Кошевой фотоси. (ТАСС).

Бу—қизик



Эгизакларга ким ёрдам беради?

СИЕМ эгизаклари орасидаги энг нодир ҳисобланган Маша ва Даша Кривошляповалар Москвада яшаётди.

Улар олти ёшлик чоғларида, 1956 йилда, Протезлаш ва протез жиҳозлари ясаш марказий илмий-тадқиқот институтида ўз «уй»ларини топширганди. Ушандан бери Маша ва Даша маъмур институт мутахассислари номини алоҳида ҳурмат билан тилга олишади. Саҳий қалбли бу мутахассислар том маънода уларнинг ҳаётини сақлаб қолишди. Даволаш физкультура-раси инструктори, массажчи Надежда Фёдоровна Горохова эса опа-сингилларга онадек меҳрибонлик кўрсатиб, уларни қўлидан келганча тарбиялашга интилади.

Мана, 33 йилдири улар доимо бирга. Қувонч ва хайра-ғарчиликларини, байрамларни бирга баҳам кўришди, курортда дам олишди. Надежда Фёдоровна узоқ вақт ўзига хос катъият билан турли бюрократик тўсиқларни енгиб келди: қизлар учун туғилганлик ҳақидаги иккинчи гувоҳнома ни ундирди, пенсия пулининг оширили-

шига (10 сўмдан 30 сўмга) эришди, уларнинг ўрта маълумотли бўлиши учун ўқитувчилар ажратишларига муваффақ бўлди. Нимасини айтмасиз, саҳоватли одавлар ҳар доим ҳам учрайвермайди, баъзан совуқ гаплар ҳам эшитишга тўғри келарди. Опа-сингиллар мактабда ўқиб юрган йиллари комсомолга қандай ўтганларини ҳикоя қилишаркан, оғир кўрсинишади. Райкомга махсус

аравачада уч киши ўтириб боришга тўғри келди. Чунки ўткинчи йўловчилар уларга камроқ эътибор беришлари учун тиззаларига бир дугоналарини ўтказиб олишганди.

Райкомга етиб боргунимизча, роса қийналди, — эслашади улар. — Нима ҳам қила олардик, бориш керак эди...

Ўрта мактабни тугатгач, опа-сингилларни қариялар интернатига жойлаштиришди. Улар ҳамон ўша ерда яшашмоқда. Энг даҳшатли томони шундаки, яқинда маъмур интернатни ақли заифлар муассасасига айлантиришди.

Кривошляповалар шаҳарни айланиш имкониятидан ҳам махрумулар: уларнинг мотоциклсига эга бўлиш ҳуқуқи йўқ.

Сием эгизаклари инвалидлар жамиятига аъзо бўлишни истайдилар. Бу уларга уйда меҳнат қилиш, натижада пул ишлаб топши, жамиятга қўлдан келганча фойда келтириш имконини берад эди.

Хўш, энди эгизакларга ким ёрдам беради? СУРАТДА: дераза олдида. О. ВЛАСОВ фотоси. (ТАСС).

ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН РАДИОТЕЛЕФОНЛАР

Франциядаги давлат «Эр-Франс» авиокомпанияси йўловчиларини бу йил ажойиб янгилик кутмоқда. Эндиликда самолётларга катта экранлар ўрнатилди ва йўловчилар ўтирган жойларида ҳаво кемасининг ердан кўнжа парвозини ҳамда қандай қилиб ерга қўнишини томоша қила оладилар. Утказилган тажрибалар шуви кўрсатдики, йўловчилар бу янгиликни яхши қабул қилишибди. Бундан ташқари самолётларга борт телефонлари ўрнатилиб, йўловчилар ундан бепул фойдаланишади. Аммо, авиокомпания мутахассислари бу янгиликни сунистеъмол қилиш иштиқозлари топилиб қолшиндан ҳадиссизраб, радиотелефон орқали гаплашиш вақти қатъий лимит асосида бўлишини эслатиб қўйишди...



КУЧЛИ ОЛТИЛИКДА КОМАНДАЛАР КУПАЙДИ

ВЕЛОПОЙГА бўйича СССР киши чемпионати Москвадаги Олимпиада вело-третсида бўлиб ўтди. Аёллар ўртасида спринт пойғасида тулалик Л. Буравцова, эркаклар ўртасида москвалик Н. Ковш биринчи бўлиб, чемпионлик шосуспасига кўтарилишди. Тошкентлик Г. Нигматуллина кучли олтиликдан жой олди.

МАМЛАКАТ футбол федерацияси олий, биринчи лига ва иккинчи эшелон коллективлари ўртасидаги Бутуниттифок мусобақаларининг янги низомини тасдиқлади. Олий ва биринчи лига командалари учун дуранглр лимити бекор қилинган бўлса, иккинчи лига қатнашчилари сонни кўпайиб 195 тага етди. Аввалгидек тўққизта

зонага бўлинган командалар жами учта йўлланма учун курашдилар. Ҳар қайси зона ғолиблари финал гуруҳини ташкил этади. Чек ташлаш йўли билан командалар уч гуруҳга бўлинади ва ғолиблар биринчи лигага йўлланма олади. Республика-миз вакиллари қатнашадиган 7-зонада ўтган йили 18 коллектив иштирок этган бўлса, бу йил 21 команда қатнашди. Улар орасида областимиздан Халқобоннинг «Соҳибкор», Тошкентнинг «Трактор», Чирчиқнинг «Сельмашевец», республика спорт маҳорати олий мактабининг коллективлари бор.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

«Ташкентская правда» Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов Издаётся на узбекском языке Редакция адрес: 700083, ГСП, Ташкент, Ленинград кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48, 32-53-54 хатлар ва оммавий ишлар бўлими.